

علم اور کائناتیں پر ہر مسلمان اوجھون فرض و دور

سورۃ



11-сон, Шаввол, 1433


Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал

**БИЗ ҒАРБДАН
ОРҚАДА ЭМАСМИЗ!**



www.islom.uz

Алло




**“Ҳилол” ойлик электрон журнали. 11-сон.
Муассис: “Ҳилол” наشريёти МЧЖ (Москва)
Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад
Бош директор: Абу Муслим
Мусаввир: Беҳзод Вафоев**

Тахрир ҳайъати:

**Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф (раис)
Тоҳир Малик
Эркин Малик
Абдулҳамид Турсун
Муҳаммад Айюб Усмон
Муҳаммад Зуфар
Озод Мунаввар
Исмоил Муҳаммад Содиқ
Анвар Аҳмад**

БУНДАН КИМГА ФОЙДА?



Ҳозирги пайтда одамлар орасида ёмон бир иллат тобора кўпайиб борапти. Зиёлиларнинг илмий суҳбати бўладими ёки бир гуруҳ нодонларнинг шунчаки валаклашиб ўтиришими, ҳарқалай қайси даврага кирсангиз, у ерда ўзи йўқ одамларнинг ғийбати қизиётганини ёки биров ёнидагиларга бошқа бировни ёмонлаётганини кузатасиз. Айниқса, мансаб ёки илмда пешқадам кишилар ҳузурида уларга ёқиш ва хушомад қилиш учун унинг муҳолифларини ёки ёқтирмаган одамларини кулга белаб, косовга санчиш тобора урфга кириб борапти.

Бу қабих иллатнинг ғийбат қилинаётган томонга ҳам, ғийбати қилинаётган томонга ҳам баравар зарари бор. Бундай одамлар сизга ёқиш учун ҳузурингизда бўгун бошқаларни ёмонлаётими, эртага бирор нарсада сиздан кўнгли олиниб қолса, энди муҳолифингизнинг ёнига кириб олиб, сизни ёмонлаши турган гап. Шунинг учун бора-бора унга бўлган ишонч йўқолади, гапининг бурди қолмайди, ўзини одамлар назарга илмай қўяди.

Иккинчи томонга зарари эса бундан ҳам оғирроқ. Бир яхши, солиҳ инсон ўзгалар кўз ўнгиде ёмонга айланади, кўпчилик назарида қолади, беғуноҳ киши ҳақида салбий тасаввур пайдо бўлади. Энг ёмони, одамлар орасида хусумат, душманчилик, ихтилоф кучаяди, ишонч йўқолади, хотиржамликка путур етади. Ана шундай гап ташишлар оқибатида ҳақ – ботилга, яхши – ёмонга, ишонч – шубҳага айланади ва жамият бесаранжомлик юз тутаети.

Атоқли тобеъинлардан Суфён Саврий ҳузурига бир киши келиб, ўша даврнинг ҳукмдори Ҳажжож Золимини ёмонлай кетибди. Ваҳоланки, ўша Ҳажжож Қуръон ва Суннатни яхши билган, тақвоси ва имонининг кучлилиги билан танилган ҳукмдорлардан эди. Бояги одам унинг раъиятга қилаётган зулмларию аҳолига кўрсатаётган жабру ситамлари ҳақида ярим соатча ғийбат қилди. Суфён Саврийнинг индамай ўтирганини кўрган бояги киши "Мана, ўзингиз ҳам унинг зулмини татиб кўрдингиз, фатво беришдаги озгина хатойингиз учун сиздай улуғ олимни зиндонбанд қилди", деб ўз фикрларини тасдиқламоқчи ҳам бўлди. Ниҳоят сабри тугаган Суфён Саврий уни гапдан тўхтатиб, бундай деди: "Сенга битта саволим бор. Бордию Аллоҳ таолонинг иродаси билан ҳозир қиёмат қоим бўлсаю Парвардигор "бандаларимнинг охирги ярим соат ичида бажарган амалларини"


на қабул қиламан", деб қолса, ҳолинг нима кечишини тасаввур қиляпсанми? Сен шу ярим соат ичида айбсиз бир кишининг ғийбатини қилиб, ишларини ёмонлашдан бўшамадинг, мен эса шу вақт ичида беш минг такбир айтиб, Аллоҳни улуғладим".

Ҳофиз ибн Касир «Ал-бидоя ван-ниҳоя»да ушбу ривоятни келтирган: «Басра қозиси Иёз ибн Муовия ал-Музанийнинг ақл-заковати одамлар орасида зарбулмасал бўлиб кетган эди. Суфён ибн Ҳусайн ал-Воситий бир куни қози ҳузурига бир мусулмон биродари устидан гап ташиб келди. Қози унга бир нафас синчиклаб тикилиб қолди. Кейин Воситийдан сўради: «Сен Рум фатҳида қатнашганмидинг?» «Йўқ», деб жавоб қилди Воситий. «Синд фатҳида қатнашганмидинг?» Яна «Йўқ» жавоби бўлди. «Ҳинд юришида иштирокинг борми?». «Йўқ!» деган жавоб бўлди. «Турк фатҳида-чи?». Воситий унда ҳам қатнашмаганини айтди. Шунда қози таассуф билан: «Шунча юртдаги мушриклар сендан омонда бўлибдию бир мусулмон биродаринг сенинг шикоятингдан халос бўла олмабди-да?!» дебди.

Бу ривоятлар бежизга келтирилмади. Ғийбат оғир гуноҳлардан саналгани учун ўтмишда ҳам қаттиқ қораланган, ҳозир ҳам ундан четланишга чорлов бор. Ҳадиси шарифда ўзгаларни ғийбат қилиш ўликнинг гўштини ейишга тенглаштирилган. Ғийбат одатда бировнинг хатоси, жисмоний ёки маънавий камчилигини ўзи йўқлигида гапиришдир, агар бу камчиликлар унда бўлмаса, у ҳолда бу бўҳтонга айланади. Бўҳтоннинг гуноҳи ғийбатникидан ҳам оғирроқдир.

Ҳолат шу экан, келинлар, бугундан бошлаб гап ташишларни, бировни бошқасига ёмонлашни, ўзгалар ғийбатини қизитишни бас қилайлик! Очиқ гуноҳдан четланиб, тавба қилиш имкони борлигида истифҳорга шошилайлик! Қиёматнинг қачон қоим бўлишини билмаганимиз хотиржамликка асло асос бўла олмаслигини бирор сония ҳам эсдан чиқармайлик! Бу иллатнинг урчимаслиги давоси уларни мутлақо эшитмаслик, уларга эътибор бермаслиқдир. Ғийбат, гап-ташишларимиздан ҳеч кимга фойда йўқ, фақат ҳавойи нафслар ҳузурланади, лаънати шайтон қарсак чалиб, ўйинга тушади, холос...

ҚИЁМАТНИ ЁЛҒОН ДЕГАНЛАР



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

“Аллоҳга рўбарў бўлишни ёлгон деганлар, шубҳасиз, зиёнга учрадилар. Ҳатто тўсатдан қиёмат келиб қолганда устларига гуноҳларини орқалаб олган ҳолларида: «Унда (дунёда) қилган хато-камчиликларимизга ҳасрат-надоматлар бўлсин», дерлар. Улар орқалаган нарса қандай ёмон-а!”
(Анъом сураси, 31-оят).

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّ كَثِيرًا مِّنَ الْأَحْبَارِ وَالرُّهْبَانِ
لِيَآكُلُونَ أَمْوَالَ النَّاسِ بِالْبُطْلِ وَيَصْذُوبُ عَنْ سَبِيلِ
اللَّهِ وَالَّذِينَ يَكْزِبُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يَنْفِقُونَهَا فِي
سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٣٤﴾
يَوْمَ يُحْمَىٰ عَلَيْهَا فِي نَارِ جَهَنَّمَ فُتْكُوتُ بِهَا جِبَاهُهُمْ
وَجُوهُهُمْ وَظُهُورُهُمْ هَذَا مَا كَنْزْتُمْ لِأَنفُسِكُمْ فَذُوقُوا مَا
كُنْتُمْ تَكْزِبُونَ ﴿٣٥﴾

Аллоҳга рўбарў келиш қиёматда рўй беради. Қиёматни ёлгон деганлар, унга ишонмаганлар Аллоҳга рўбарў бўлишни ёлғонга чиқарган бўладилар. Бу эса, бу дунёю у дунёда уларнинг ўзига катта зиён етказди.

«Аллоҳга рўбарў бўлишни ёлғон деганлар, шубҳасиз, зиёнга учрадилар». Оятнинг асосий мақсади охиратда етадиган зиённи васф қилишдир. Уларнинг ҳоли кишилар онгига кучли таҳсир этадиган услубда, бадий бўёқлар билан таъриф этилмоқда. Гўё гуноҳлар зил оғир бир жисмдир-у, гуноҳкор уни орқасида кўтариб юриши керак.

«Ҳатто тўсатдан қиёмат келиб қолганда устлари-

га гуноҳларини орқалаб олган ҳолларида...» Қиёмат тўсатдан қоим бўлди. Унда бўлиши лозим бўлган ҳамма ҳодисалар юзага чиқди. Барча одамлар маҳшар майдонига тўпланмоқдалар. Ҳамма бу дунёда қилган амалига мувофиқ турли ҳолатда. Қиёмат кунини ва Аллоҳга рўбарў келишни ёлғон деганлар гуноҳларини орқалаган ҳолларида келмоқдалар. Афтидан, улар бу ҳолга тушишларини кутмаганга ўхшайдилар. Бошларига тушган кўргулик боис у дунёда қилган амалларига афсус-надомат чекмоқдалар. Гуноҳларини орқалаган ҳолда жим кетмасдан:

«Унда (дунёда) қилган камчиликларимизга ҳасрат-

нидоматлар бўлсин», деб сўзлаб бормоқдалар. Улар бу даҳшатли кунда орқалаб кетаётган нарса нима? Одатда, жамоатлар тўпланадиган жойларга одамлар совғасаломлар, кўзни ва дилни қувонтирадиган гўзал нарсалар олиб борар эдилар. Аммо бу осийлар фоний дунёда қилган гуноҳларини орқалаб кетмоқдалар:

«Улар орқалаган нарса қандай ёмон-а!». Машҳур муфассирлардан ас-Суддий бу ояти каримани қуйидагича тушунтирганлар: «Ҳар бир золим қабрга кирганда, албатта, унинг олдига бадбашара, қора рангли, сассиқ ҳидли ва ифлос кийимли бир кимса келади. Қабрда икковлари ёлғиз қолади. Шунда золим:

«Бунча ҳам бадбашарасан?» – деб сўрайди.

«Сенинг амалларинг ҳам бадбашара эди», – дейди бояги ирkit одам.

«Мунча ҳам ҳидинг сассиқ?» – дейди золим.

«Сенинг амалларинг ҳам шунга ўхшаш сассиқ эди», – дейди у.

«Кийимларинг бунча ифлос?» – дейди золим.

«Сенинг амалларинг ҳам шунга ўхшаш ифлос эди», – дейди у.

«Сен кимсан?» – деб сўрайди золим.

«Қилган амалингман», – деб жавоб беради у ва биргаликда қабр-да қолади. Қиёмат куни золим қайта тирилтирилганда амали унга: «Мен сени у дунёда лаззат ва шахватлар билан кўтариб юрган эдим. Энди бугун сен мени кўтарасан», дейди ва ортига миниб олади. Сўнг, уни ҳайдаб дўзахга олиб боради».

Ушбу оятдан ва унинг тафсирида айтилган ҳикматлардан «Ёшлигингда ўйнаб қол, гуноҳ нима қилади» деган шиор ила ялло қилиб юрган кофиру мушриклар огоҳ бўлишлари керак.

Қиёмат кунини, Аллоҳга рўбарў бўлишни инкор этиш ҳам, асосан, юқоридагига ўхшаш бемаъни шиорларга муккасидан кетишдан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас. Қиёматга ишонмаслик икки дунё учун ҳам кони зиён бўлганидан, Ислом динида унга иймон келтириш ақиданинг асосий рукни деб тайин этилган. Қиёматга иймони йўқ одам, агар бошқа барча зарурий ақидаларни ўрнига қўйса ҳам, мўмин-мусулмон бўла олмайди.

Инсонларнинг қиёматга нисбатан иймони, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, мукофот ва жазога нисбатан ишончи туфайли ҳаёт, одоб-ахлоқ, яхшилик-ёмонлик ва бошқа ҳодисаларга муносабати шаклланади.

Қиёматга иймони йўқ кофирлар, ҳаёт фақат бу дунё ҳаётидан иборат, қайта тирилиш йўқ, деган тасаввур асосида яшайдилар. Улар эслари кириб, то қариб ҳеч бир нарсага ярамай қолгунларигача кечган арзимаган вақтни ҳаёт деб тушунадилар. Уларнинг тасаввури ердаги ҳаётга мустаҳкам ёпишиб қолган. Тасаввурларидаги беш кунлик ҳаётда кўпроқ маза қилиб олишга ҳаракат қиладилар. Улар тафаккур уфқи доиралари жуда ҳам тор кишилардир. Уларнинг ҳаёти ҳам ўша тасаввурларига мос ниҳоятда тор. Умрлари вақт нуқтаи назаридан, бир кишининг ҳаётига тенг келади ёхуд келмайди. Макон жиҳатидан ўзлари яшаган жамиятдан ташқарига чиқа олмайдилар. Муомала жиҳатидан эса, қисқа муддатда,

тор маҳнода кўрганлари билан бўлади, холос. Шунинг учун ҳам, ўз мақсадларига эришиш – маза қилиб қолиш учун барча қабихликни киприк қоқмай қила берадилар. Қиёматга, у дунёга, қайта тирилишга, ҳисоб-китобга ишонмаганларидан кейин, улардан бошқача тасаввурни кутиб ҳам бўлмайди.

Қиёмат кунига, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, мукофот ва жазога иймон келтирган мўмин-мусулмон тасаввурида эса, ҳаёт тамоман бошқача бўлади. У, ҳаётни фақат бу дунё ҳаёти деб эмас, балки, ҳам бу дунё, ҳам у дунё ҳаётидан иборат деб, тушунади. Унинг эътиқоди бўйича, ҳаёт беш кунлик эмас, бир кишининг умрига, бир қавмнинг умрига ёки бу дунёнинг муддатига тенг эмас, ушбу қисқа вақт билан чегараланиб қолмайди. Балки, унинг назарида, дунёвий ҳаёт муддати ухровий ҳаёт муддати олдига беш кунлик бўлиб қолади. У дунё ҳаётини замон чегаралай олмайди. Қиёматга, охиратга иймони борлиги учун унинг тафаккур уфқи доираси жуда кенг бўлади.

Мусулмон инсон тасаввурида ҳаёт макон жиҳатидан ҳам чексиздир. Унинг ҳаёти фақат ер курраси доираси билан чегараланиб қолмайди. Балки, бу коинотдан ўтиб, кенглиги осмонлару ерга тенг бўлган жаннатда ҳақиқий боқий ҳаёт кечирishiга ишонади.

Мўмин инсоннинг ҳаётий муносабатлари атрофидаги шахслар билангина чегараланиб қолмайди. У, Аллоҳ таоло, фаришталар, барча ўтган мусулмон умматлар, келажак мўминлар ва жаннатдагилар билан алоқадор бўлади. Шунинг учун ҳам, мусулмон ҳаётини доимо яхшиликлар билан тўқис этишга ҳаракат қилади.

Исломда, бошқа ботил динлардаги каби, жаннат ҳаётини кўзлаб, бу дунёни азоб-уқубатда ўтказиш керак, деган тушунча ҳам йўқ. Балки, у дунёда яхши ҳолатларга эришиш учун бу дунёни яхши ўтказиш мўминга шарт қилиб қўйилади. Қуръони каримнинг аксар ояти карималарида: «Бу дунёдаги насибангни унутма», дейилади. Исломда бу дунё охиратнинг экинзорида ўхшатилиши бежиз эмас. Бу дунёдаги экинзорга ким эзгулик уруғини қадаса, яхшилаб парвариш қилса, у дунёда яхши ҳосил олади. Бинобарин, инсон бу дунёда фақат яхши амалларни қилмоғи, ер юзида иймон, Ислом, адолат ҳукм суриши учун, зулм, истибдод ва ёмонликка қарши курашмоғи лозим. Ана шундагина охират ҳаётидан – жаннатдан умидвор бўлса бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларидан бирида: «Агар бирингизга қиёматнинг хабари келса, қўлида кўчат турган бўлса, уни экиб қўйсин», деганлар. Исломда бу дунёнинг ободлигига шу даражада эътибор билан қаралади. Ислом руҳини тушунмайдиган баъзи бир шахслар ёки авлодлар тасаввурига қараб, бутун бошли илоҳий динга нисбатан ҳукм чиқаравермаслик керак. Шу билан бирга, инсон нафси бу дунёга доимо қизиқиб туриши эътиборидан Қуръони карим мувозанатни сақлаш учун кўпроқ зуҳд ва тақвога чақириб, дунё ҳаётига ортиқча берилмасликка даъват этиб туради.

(“Тафсири Ҳилол”, 2-жилд).

ЗАМЗАМ сувининг ХОСИЯТИ



Жобир розияллоху анхундан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Замзам суви нима учун ичилса, шунинг учундир», дедилар».

(Ибн Можа, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган).

Шарҳ: Яъни, замзамни ким нима ниятда ичса, ўша ниятга етишади. Бу ҳақиқатни кўпчилик мухлислар ўз тажрибаларидан ўтказишган.

Имом Дора Қутний ва Ҳоким келтирган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Замзам суви нима учун ичилса, шунинг учундир. Уни шифо талабида ичсанг, Аллоҳ сенга шифо беради. Уни паноҳ талабида ичсанг, Аллоҳ сенга паноҳ беради. Агар уни чанқоғингни кесиш учун ичсанг, Аллоҳ чанқоғингни кесади. Агар уни тўйиш учун ичсанг, Аллоҳ сени тўйдиради. У Жаброилнинг ишорасидир. У Исмоилнинг ичимлигидир».

Замзам тарихини Имом Бухорийнинг «Жомеъус-саҳиҳ» китобларининг «Бадъул халқ» бобида ривоят қилинган ҳадиси шарифдан иқтибос келтириш билан бошласак.

Ибн Аббос розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Аёллардан биринчи бўлиб белбоғ боғлаган киши Исмоилнинг оналаридир. У киши Сорага бўлган ўзининг таъсирини кетказиш учун ҳам белбоғ боғлаганлар. Уша вақтда фақат хизматкорлар белбоғ боғлашар эди. Ҳожар онамиз Сора онамизнинг олдида ўзини у билан тенг кундош эмас, балки унинг хизматкори қилиб кўрсатиш учун шундай қилганлар.

Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар онамизни ва ўғли Исмоилни Байтнинг ўрнига, Замзам устидаги катта дарахт остига қўйиб кетган. Уша пайтда Маккада бирор одам ҳам, сув ҳам бўлмаган.

У зот икковининг олдида бир хурмоли халта ва сувли меш қўйиб ортга қайтганлар. Ҳожар онамиз у зотга эргашиб: **«Эй Иброҳим! Бизни кимсасиз, бирор нарса ҳам унмайдиган водийга ташлаб, қаёққа кетмоқдасиз?!» деб бир неча марта такрорладилар, аммо у зот ўгирилиб қарамасдилар. Шунда у зотга: «Аллоҳ сизни шунга амр қилдими?» деди. У зот «ҳа», дедилар: «Ундай бўлса У бизни зое қилмайди», деди-да, Ҳожар онамиз ортга қайтди.**

Иброҳим алайҳиссалом эса, йўлда давом этдилар. У зот тепалик йўлидан ўтиб, улар уни кўрмайдиган бўлганида

Байтга юзланиб, дуо қилдилар: «Эй Роббимиз, ҳақиқатда, мен ўз зурриётимни Сенинг Байтул ҳароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштирдим».

Ҳожар онамиз Исмоилни эмизиб, ҳалиги сувдан ичиб турдилар. Мешдаги сув тамом бўлганда ўзлари ҳам, ўғиллари ҳам чанқади. Унга қараса, у тўлғониб типирчилар эди. Унга назарим тушмасин деб, юриб кетдилар. У ўзига энг яқин бўлган Сафо тоғини кўрдилар ва унинг устига чиқиб, бирор кишини кўрармиканман, деб водий томон назар солдилар. Ҳеч кимни кўрмадилар. Кейин Сафодан тушиб, водийга етганида қўйлагининг этагини кўтариб, қаттиқ ҳаракат қилган инсондек саъй қилиб водийдан ўтди. Сўнгра Марвага келдилар. Унинг устига чиқиб, бирор кишини кўрармиканман, деб водий томон назар сола бошладилар. Аммо яна ҳеч кимни кўрмадилар. Етти марта ана шундоқ қилдилар.

Ибн Аббос розияллоху анху Пайғамбар алай-ҳиссаломдан ривоят қилиб: «Ана ўша одамларнинг икки тоғ орасидаги саъйидир», дедилар», деди.

У Марвага чиққан пайтида бир овоз эшитди. Ўзига ўзи жим, деди-да, сўнгра қулоқ солди. Яна ўша овозни эшитгач, шундай дедилар: «(Овозингни) эшиттирдинг. Агар имконинг бўлса, менга ёрдам бер».

Шунда замзамнинг ўрнида фариштанинг товони ила ёки қаноти ила ниманидир излаётганини кўрди. Охири у ердан сув чиқди. Ҳожар онамиз сувни тўса бошладилар. Икки қўллари билан ҳовучлаб олиб, мешга қуя бошладилар, сув эса тўхтовсиз отилиб чиқарди.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳ Исмоилнинг онасини раҳмат қилсин. Агар замзамни тек қўйганида ёки сувни ҳовучлаб олмаганида замзам кўриниб турадиган бўлоқ бўлар эди», дедилар.

Ўзлари ҳам, гўдаклари Исмоил ҳам сувга тўйиндилар. Фаришта уларга: «Зое бўлишдан кўрқма. Бу ерда Байтуллоҳ бор. Уни манави бола ва унинг отаси бино қилади. Албатта, Аллоҳ Ўз аҳлини зое қилмайди», деди.

Бир вақт Журҳум аҳлидан бир гуруҳ йўловчилар Макканинг паст томонига қўндилар. Улар айланиб учаётган қушни кўришди. Улар, албатта, бу қуш сув бор жойда айланади, бу водийда билишимизча сув йўқ эди-ку, деб бир-икки одамни текшириш учун юборишди. Улар сувнинг хабарини бергач, у ерга боришди. Сув олдида Ҳожар онамизни кўришди. Улар ҳузурларига тушишларига изн сўрадилар, изн теккач, ўша ерга тушишди. Аҳлларига ҳам одам юборишди. Улар ҳам келишди. Улардан бир қанча аҳллар бўлди. Исмоил улғайиб йигит бўлди, улардан арабчани ўрганди. Йигит уларга ёқиб қолиб, уни ўзларидан бир аёлга уйлантиришди. Сўнг Исмоилнинг онаси вафот этди.

Кейинчалик Журҳум қабиласи Аллоҳ таолога гуноҳ ва Байтуллоҳга ҳурматсизлик қилгани учун замзам суви қуриди ва қудуқнинг ўзи кўмилиб кетди.

Замонлар ўтиб, авлодлар бирин-кетин келиб кетди.

Бир куни Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг боболари Абдулмутталиб Каъбаи муаззаманинг ёнида ухлаб ётганларида тушларида биров келиб: «Тийбани ковла», деди.

«Тийба нима?» деди Абдулмутталиб.

Ҳалиги овоз эгаси ғойиб бўлди. Эртасига яна ўша жойда ухлаб ётганларида кечаги кимса тушига кириб: «Баррани ковла», деди.

«Барра нима?» дедилар.

Ҳалиги овоз эгаси яна ғойиб бўлди. Эртасига яна ўша жойда ухлаб ётганларида яна кечаги кимса тушига кириб: «Мазнунани ковла», деди.

«Мазнунани нима?» дедилар. Ҳалиги овоз эгаси яна ғойиб бўлди. Эртасига яна ўша жойда ухлаб ётганида ўша киши тушига кириб яна: «Замзамни ковла», деди.

«Замзам нима?» дедилар.

«У ҳеч қуримас ва ёмонланмас. Кўп ҳожиларни суғоради. У тезак ва қон бор жойда. Қарға ер чўқиётган жойда. Чумоли бор жойда», деди.

Абдулмутталиб уйқусидан туриб, одамлар ҳайвонларини сўядиган жойни, ҳозирги замзам қудуғи ўрнини топди. У ерда қарға ер чўқиб турар, чумоли ғиззиллаб юрар эди. У ўша ерни қазий бошлади. У ёлғиз ўзи бор кучини ишга солиб, жон-жаҳди билан ер қазиди. У мақсади йўлида ҳар қандай ишни қилишга, ҳар қандай машаққатга дош беришга одатланган эди. Ҳеч бўйлашмай ер кавлашда давом этди. Қурайшликлар эса, нима бўлар экан, деб уни кузатиб туришар эди.

Абдулмутталиб сувни кўрганида: «Аллоҳу акбар!» деб такбир айтди. Қурайшликлар унинг ўз мақсадига эришганини англашди. Кейинроқ Абдулмутталиб қудуқ қазишда давом этиб, унинг атрофидан Исмоил алайҳиссаломдан қолган табаррук нарсаларни ҳам бирин-кетин топа бошлади. У замзамни қайта кавлаб битирганидан кейин қурайшликлар унга эғалик қилишда шерик бўлмоқчи бўлишди. Улар Абдулмутталибга: «Бу Исмоилнинг қудуғи, шунинг учун унга эғалик қилишда биз ҳам сенга шерик бўлишимиз керак», дейишди. Абдулмутталиб эса, бу қудуқни ўзим қазидим, менинг ўзим эғалик қиламан, деб уларнинг таклифини рад қилди.

Аммо улар Абдулмутталибнинг яхшилигини билганларидан, ўзларига ҳам замзамдан фойдаланишга ижозат беришига ишонганларидан бир мунча вақтгача гапларидан қайтишди. Дарҳақиқат, кейинроқ ҳаммалари замзам сувидан ичиб, барақасидан баҳраманд бўлишди. Ўзларига иззат ва қаромат қайтиб келганидан хурсанд эдилар. Чунки замзам Иброҳим ва Исмоил алайҳимуссаломлар ҳамда ва Ҳожар онамизга тегишли нарса бўлиб, бу зотлар арабларнинг фахри эди.

Асрлар давомида Замзам қудуғида бир неча бор ўзгаришлар бўлди. Улардан баъзиларини эслатиб ўтаамиз.

Халифа Ҳорун ар-Рашид даврида қудуқ бир неча аршин чуқурроқ қазилди. Халифа Маҳдийнинг даврида ҳам шунга ўхшаш иш қилинди. Халифа Амийннинг даврида эса, унинг чуқурлиги қирқ аршинга етди.

Халифа Муътасимнинг давригача Замзам қудуғининг усти очик бўлган, кейинроқ у усти ёпилган. Вақт ўтиши билан бошқа ўзгаришлар ҳам киритилган.

Саудийлар даврида ҳам кўпгина ишлар қилинди ва қилинмоқда. Ҳижрий 1377 санада тавоф қилувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида Замзам уйи ер остига олинди. Унинг устидан ҳам тавоф қилиш йўлга қўйилди. Қудуқнинг ўзига темир-бетондан девор қилиниб, устига мрамар қоланди.

Ҳижрий 1399 санада Замзам қудуғининг чуқурлиги ўн саккиз метру олтиш сантиметр эди.

Аббосий халифалик даврида замзам суви қудуқдан тортиб олиниб, усти очик ҳовузларга қўйилар ва улардан одамлар олишар эди. Кейинчалик сув сақланадиган омборларга жўмраклар қўйилди. Замзамчилар мешкобларда одамларга сув таркатадиган бўлишди.

Ҳижрий 1383 санадан бошлаб, замзамни моторда тортиб олиш йўлга қўйилди. Ҳарами Шарифнинг остига тортилган сувни тўплаб, совутадиган марказ қилинди. Бу марказ Марванинг остида бўлиб, марказ ва унга тегишли барча нарсалар сўнгги замонавий асбоб-ускуна ва компютерлар билан жиҳозланган. Марказдаги сувга замзамнинг ўзидан қилинган муз қўшилади. Сўнгра ҳамма тарафларга тарқатилади.

Ҳозирда Ҳарами Шарифнинг ўзида етти юз ўттиз учта жўмракдан сув ичиш мумкин. Бунинг устига, саккиз мингта махсус катта термослар ҳам доимий равишда замзамга тўлдириб турилади.

Аммо замзам тарқатишда шу билан кифояланиб қолинмайди. Ҳарами Шарифдан узоқроқ жойларга замзамни идишларда олиб кетиш учун марказлар қилинган. Улардан милёнлаб ҳожи ва умра қилувчилар кўтарганларича олиб кетишмоқда. Сув ташиш машиналари тинмай Мадинаи мунаварага ва Саудиянинг бошқа шаҳарларига замзам ташийд.

Шунчалар кўп ишлатилишига қарамай, кичкина бир қудуқнинг суви ҳеч камаймаслигининг ўзи катта мўъжизадир. Охириги сел пайтида замзам мўъжизасини кўрган икки кишининг каминига айтишларича, Ҳарами Шарифни сел лойқаси қоплаганида замзам лойқанинг устидан кўтарилиб, пок-покиза ҳолида отилиб чиқиб тураверган. Лойқа кўтарилса, замзам ҳам кўтарилиб бораверган. Сел қайтиб лойқа пасайганда, замзам ҳам унинг устида пасайиб-паса-йиб, охири ўз ўрнига тушган.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Замзам суви нима учун ичилса, шунинг учундир», дедилар».

(Ибн Можа, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган).

Шарҳ: Яъни, замзамни ким нима ниятда ичса, ўша ниятига етишди. Бу ҳақиқатни кўпчилик мухлислар ўз тажрибаларидан ўтказишган.

Имом Дора Қутний ва Ҳоким келтирган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Замзам суви нима учун ичилса, шунинг учундир. Уни шифо талабида ичсанг, Аллоҳ сенга шифо беради. Уни паноҳ талабида ичсанг, Аллоҳ сенга паноҳ беради. Агар уни чанқоғингни кесиш учун ичсанг, Аллоҳ чанқоғингни кесади. Агар уни тўйиш учун ичсанг, Аллоҳ сени тўйдиради. У Жаброилнинг ишорасидир. У Исмоилнинг ичимлигидир».

Замзам тарихини Имом Бухорийнинг «Жомеъус-саҳиҳ» китобларининг «Бадъул халқ» бобида ривоят қилинган ҳадиси шарифдан иқтибос келтириш билан бошласак.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Аёллардан биринчи бўлиб белбоғ боғлаган киши Исмоилнинг оналаридир. У киши Сорага бўлган ўзининг таъсирини кетказиш учун ҳам белбоғ боғлаганлар. Уша вақтда фақат хизматкорлар белбоғ боғлашар эди. Ҳожар онамиз Сора онамизнинг олдида ўзини у билан тенг кундош эмас, балки унинг хизматкори қилиб кўрсатиш учун шундай қилганлар.

Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар онамизни ва ўғли Исмоилни Байтнинг ўрнига, Замзам устидаги катта дарахт остига қўйиб кетган. Уша пайтда Маккада бирор одам ҳам, сув ҳам бўлмаган.

У зот икковининг олдида бир хурмоли халта ва сувли меш қўйиб ортига қайтганлар. Ҳожар онамиз у зотга эргашиб: «Эй Иброҳим! Бизни кимсасиз, бирор нарса ҳам унмайдиган водийга ташлаб, қаёққа кетмоқдасиз?!» деб бир неча марта такрорладилар, аммо у зот ўгирилиб қарамасдилар. Шунда у зотга: «Аллоҳ сизни шунга амр қилдими?» деди. У зот «ҳа», дедилар: «Ундай бўлса У бизни зое қилмайди», деди-да, Ҳожар онамиз ортига қайтди.

Иброҳим алайҳиссалом эса, йўлда давом этдилар. У зот тепалик йўлидан ўтиб, улар уни кўрмайдиган бўлганида Байтга юзланиб, дуо қилдилар: «Эй Роббимиз, ҳақиқатда, мен ўз зурриётимни Сенинг Байтул ҳароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштирдим».

Ҳожар онамиз Исмоилни эмизиб, ҳалиги сувдан ичиб турдилар. Мешдаги сув тамом бўлганда ўзлари ҳам, ўғиллари ҳам чанқади. Унга қараса, у тўлғониб типирчилар эди. Унга назарим тушмасин деб, юриб кетдилар. У ўзига энг яқин бўлган Сафо тоғини кўрдилар ва унинг устига чиқиб, бирор кишини кўрармиканман, деб водий томон назар солдилар. Ҳеч кимни кўрмадилар. Кейин Сафодан тушиб, водийга етганида қўйлагининг этагини кўтариб, қаттиқ ҳаракат қилган инсондек сазй қилиб водийдан ўтди. Сўнгра Марвага келди-

лар. Унинг устига чиқиб, бирор кишини кўрармиканман, деб водий томон назар сола бошладилар. Аммо яна ҳеч кимни кўрмадилар. Етти марта ана шундоқ қилдилар.

Ибн Аббос розияллоху анху Пайғамбар алай-ҳиссаломдан ривоят қилиб: «Ана ўша одамларнинг икки тоғ орасидаги савийидир», дедилар», деди.

У Марвага чиққан пайтида бир овоз эшитди. Ўзига ўзи жим, деди-да, сўнгра қулоқ солди. Яна ўша овозни эшитгач, шундай дедилар: «(Овозингни) эшиттирдинг. Агар имконинг бўлса, менга ёрдам бер».

Шунда замзамнинг ўрнида фариштанing товони ила ёки қаноти ила ниманидир излаётганини кўрди. Охири у ердан сув чиқди. Ҳожар онамиз сувни тўса бошладилар. Икки қўллари билан ҳовучлаб олиб, мешга қуя бошладилар, сув эса тўхтовсиз отилиб чиқарди.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳ Исмоилнинг онасини раҳмат қилсин. Агар замзамни тек қўйганида ёки сувни ҳовучлаб олмаганида замзам кўриниб турадиган булоқ бўлар эди», дедилар.

Ўзлари ҳам, гўдаклари Исмоил ҳам сувга тўйиндилар. Фаришта уларга: «Зое бўлишдан қўрқма. Бу ерда Байтуллоҳ бор. Уни манави бола ва унинг отаси бино қилади. Албатта, Аллоҳ Ўз аҳлини зое қилмайди», деди.

Бир вақт Журҳум аҳлидан бир гуруҳ йўловчилар Макканнинг паст томонига кўндилар. Улар айланиб учаётган қушни кўришди. Улар, албатта, бу қуш сув бор жойда айланади, бу водийда билишимизча сув йўқ эди-ку, деб бир-икки одамни текшириш учун юборишди. Улар сувнинг хабарини бергач, у ерга боришди. Сув олдида Ҳожар онамизни кўришди. Улар ҳузурларига тушишларига изн сўрадилар, изн теккач, ўша ерга тушишди. Аҳлларига ҳам одам юборишди. Улар ҳам келишди. Улардан бир қанча аҳллар бўлди. Исмоил улғайиб йигит бўлди, улардан арабчани ўрганди. Йигит уларга ёқиб қолиб, уни ўзларидан бир аёлга уйлантиришди. Сўнг Исмоилнинг онаси вафот этди.

Кейинчалик Журҳум қабиласи Аллоҳ таолога гуноҳ ва Байтуллоҳга ҳурматсизлик қилгани учун замзам суви қуриди ва қудуқнинг ўзи кўмилиб кетди.

Замонлар ўтиб, авлодлар бирин-кетин келиб кетди.

Бир куни Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг боболари Абдулмутталиб Каъбаи муаззаманинг ёнида ухлаб ётганларида тушларида биров келиб: «Тийбани ковла», деди.

«Тийба нима?» деди Абдулмутталиб.

Ҳалиги овоз эгаси ғойиб бўлди. Эртасига яна ўша жойда ухлаб ётганларида кечаги кимса тушига кириб: «Баррани ковла», деди.

«Барра нима?» дедилар.

Ҳалиги овоз эгаси яна ғойиб бўлди. Эртасига яна ўша жойда ухлаб ётганларида яна кечаги кимса тушига кириб: «Мазнунани ковла», деди.

«Мазнунани нима?» дедилар. Ҳалиги овоз эгаси яна ғойиб бўлди. Эртасига яна ўша жойда ухлаб ётганида ўша киши тушига кириб яна: «Замзамни ковла», деди.

«Замзам нима?» дедилар.

«У ҳеч қуримас ва ёмонланмас. Кўп ҳожиларни суғоради. У тезак ва қон бор жойда. Қарға ер чўкиётган жойда. Чумоли бор жойда», деди.

Абдулмутталиб уйқусидан туриб, одамлар ҳайвонларини сўядиган жойни, ҳозирги замзам қудуғи ўрнини топди. У ерда қарға ер чўқиб турар, чумоли физзиллаб юрар эди. У ўша ерни қазий бошлади. У ёлғиз ўзи бор кучини ишга солиб, жон-жаҳди билан ер қазиди. У мақсади йўлида ҳар қандай ишни қилишга, ҳар қандай машаққатга дош беришга одатланган эди. Ҳеч бўйшамай ер кавлашда давом этди. Қурайшликлар эса, нима бўлар экан, деб уни кузатиб туришар эди.

Абдулмутталиб сувни кўрганида: «Аллоҳу акбар!» деб такбир айтди. Қурайшликлар унинг ўз мақсадига эришганини англашди. Кейинроқ Абдулмутталиб қудуқ қазилган давом этиб, унинг атрофидан Исмоил алайҳиссаломдан қолган табаррук нарсаларни ҳам бирин-кетин топа бошлади. У зам-

замни қайта кавлаб битирганидан кейин қурайшликлар унга эгалик қилишда шерик бўлмоқчи бўлишди. Улар Абдулмутталибга: «Бу Исмоилнинг қудуғи, шунинг учун унга эгалик қилишда биз ҳам сенга шерик бўлишимиз керак», дейишди. Абдулмутталиб эса, бу қудуқни ўзим қазидим, менинг ўзим эгалик қиламан, деб уларнинг таклифини рад қилди.

Аммо улар Абдулмутталибнинг яхшилигини билганларидан, ўзларига ҳам замзамдан фойдаланишга ижозат беришига ишонганларидан бир мунча вақтгача гапларидан қайтишди. Дарҳақиқат, кейинроқ ҳаммалари замзам сувидан ичиб, баракасидан баҳраманд бўлишди. Ўзларига иззат ва каромат қайтиб келганидан хурсанд эдилар. Чунки замзам Иброҳим ва Исмоил алай-ҳимуссаломлар ҳамда ва Ҳожар онамизга тегишли нарса бўлиб, бу зотлар арабларнинг фахри эди.

Асрлар давомида Замзам қудуғида бир неча бор ўзгаришлар бўлди. Улардан баъзиларини эслатиб ўтамиз.

Халифа Ҳорун ар-Рашид даврида қудуқ бир неча аршин чуқурроқ қазилди. Халифа Маҳдийнинг даврида ҳам шунга ўхшаш иш қилинди. Халифа Амийн-нинг даврида эса, унинг чуқурлиги қирқ аршинга етди.

Халифа Муътасимнинг даврида Замзам қудуғининг усти очик бўлган, кейинроқ у усти ёпилган. Вақт ўтиши билан бошқа ўзгаришлар ҳам киритилган.

Саудийлар даврида ҳам кўпгина ишлар қилинди ва қилинмоқда. Ҳижрий 1377 санада тавоф қилувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида Замзам уйи ер остига олинди. Унинг устидан ҳам тавоф қилиш йўлга қўйилди. Қудуқнинг ўзига темир-бетондан девор қилиниб, устига мрамор қопланди.

Ҳижрий 1399 санада Замзам қудуғининг чуқурлиги ўн саккиз метру олтиш сантиметр эди.

Аббосий халифалик даврида замзам суви қудуқдан тортиб олиниб, усти очик ҳовузларга қуйилар ва улардан одамлар олишар эди. Кейинчалик сув сақланадиган омборларга жўмрақлар қўйилди. Замзамчилар мешкобларда одамларга сув тарқатадиган бўлишди.

Ҳижрий 1383 санадан бошлаб, замзамни моторда тортиб олиш йўлга қўйилди. Ҳарами Шарифнинг остига тортилган сувни тўплаб, совутадиган марказ қилинди. Бу марказ Марваннинг остида бўлиб, марказ ва унга тегишли барча нарсалар сўнгги замонавий асбоб-ускуна ва компютерлар билан жиҳозланган. Марказдаги сувга замзамнинг ўзидан қилинган муз қўшилади. Сўнгра ҳамма тарафларга тарқатилади. Ҳозирда Ҳарами Шарифнинг ўзида етти юз ўттиз учта жўмрақдан сув ичиш мумкин. Бунинг устига, саккиз мингта махсус катта термос-лар ҳам доимий равишда замзамга тўлдириб турилади.

Аммо замзам тарқатишда шу билан кифояланиб қолинмайди. Ҳарами Шарифдан узоқроқ жойларга замзамни идишларда олиб кетиш учун марказлар қилинган. Улардан милёнлаб ҳожи ва умра қилувчилар кўтарганларича олиб кетишмоқда. Сув ташиш машиналари тинмай Мадинаи мунавварага ва Саудиянинг бошқа шаҳарларига замзам ташийди.

Шунчалар кўп ишлатилишига қарамай, кичкина бир қудуқнинг суви ҳеч камаймаслигининг ўзи катта мўъжизадир. Охириг сел пайтида замзам мўъжизасини кўрган икки кишининг каминага айтишларича, Ҳарами Шарифни сел лойқаси қоплаганида замзам лойқанинг устидан кўтарилиб, пок-покиза ҳолида отилиб чиқиб тураверган. Лойқа кўтарилса, замзам ҳам кўтарилиб бораверган. Сел қайтиб лойқа пасайганда, замзам ҳам унинг устида пасайиб-паса-йиб, охири ўз ўрнига тушган.

**(“Ҳадис ва Ҳаёт”,
10-жилд, 241-247-бетлар).**

АБУ БАКР СИДДИҚ (Р.А.) ҲАЁТЛАРИДАН ИККИ ЛАВҲА

ИФК ҲОДИСАСИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг ҳаётларини ўрганар эканмиз, у кишининг ақл-заковатлари, илмлари, тадбиркорликлари, уддабуронликлари ва ҳар қандай вазиятда ҳам ўзларини йўқотиб қўймасликларига қойил қоламиз. У кишининг бундоқ фазилатлари айниқса, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам билан боғлиқ ишларда яна ҳам очик-ойдин зоҳир бўлади.

Аммо бир ҳодисада Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг ўзлари нима қилишни билмай қолганларини ўз тиллари билан икром бўлиб айтадилар. Ўша ҳодисада Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг шарафлари масаласи ўртага қўйилган эди. Бунда Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг оилалари бир тараф эди. Шунинг учун ҳам у киши нима қилишни билмай, лол қолган эдилар.

Бу «Ифк ҳодисаси» эди. Бу ҳодиса Бани Мустаълиқ жангидан қайтишда бўлиб ўтган эди. Мунофиқлар бўхтон йўли ила Оиша онамизни Сафвон ибн Муъаттал розияллоху анху билан зинода айблаб, гап-сўз тарқатган эдилар. Бу Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху учун оғир мусибат эди. У киши ўз қизлари туфайли Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга тўхмат бўлганидан ғоятда оғир ҳолатда қолган эдилар.

Келинг, ҳодисанинг худди шу мавзуга тегишли парчасини Оиша онамизнинг ўзларидан эшитайлик: «Ўша кунни ҳам йиғлаб ўтказдим. Кўзимдан ёш тинмади, уйқум ҳам келмади. Кечаси билан ҳам йиғлаб чиқдим. Ота-онам олдимда эдилар. Икки кечаю бир кундуз йиғладим. Йиғлайвериб, жигарим ёрилиб кетса керак, деб ўйлардим.

Ота-онамнинг олдиларида йиғлаб турган чоғимда ансориялардан бири киришга изн сўради. Унга изн бердим. У ҳам ўтириб, менга қўшилиб йиғлай бошлади.

Биз шу ҳолатда турганимизнинг устига Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам кириб келдилар. Ўтирдилар. Мен ҳақимда гап-сўзлар айтилгандан бери ёнимга кирмаган эдилар. У кишига менинг ишим ҳақида бир ой ваҳий келмай туриб қолди. Ўтирганларидан кейин ташахҳуд айтдилар ва сўнг: «Менга сен ҳақингда шу-шулар етди. Агар сен беайб бўлсанг, Аллоҳ таоло сени албатта оқлайди. Агар гуноҳга яқинлашган бўлсанг, Аллоҳга истиғфор айт, Унга тавба қил. Чунки банда гуноҳини эътироф этиб, тавба қилса, Аллоҳ таоло унинг тавбасини қабул этади», дедилар. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам гапларини тамом қилишлари билан кўз ёшим таппа-тақ тўхтади. Отамга: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга айт-ган

гаплари учун жавоб беринг», дедим. У киши: «Аллоҳга қасамки, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга нима дейишни ҳам билмайман», дедилар.

Кейин онамга: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг гапларига жавоб беринг», дедим. Онам ҳам: «Аллоҳга қасамки, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга нима дейишни ҳам билмайман», дедилар.

Мен ҳали ёш эдим, Қуръондан ҳам кўп ўқимагандим, ўзим гап бошладим: «Аллоҳга қасамки, билишимча, мен ҳақимда одамларнинг гапларини эшитдинглар. У гаплар кўксингизга жойлашиб қолди. Унга ишондинглар ҳам. Агар сизларга, “мен беайбман”, десам ҳам, бунга ишонмайсизлар. Агар мен бир ишни эътироф қилсам, Аллоҳ билиб турибдики, мен беайбман, сиз бунга тасдиқ этасиз. Аллоҳга қасамки, мен билан сиз ҳозир худди Юсуфнинг отасига ўхшаймиз, у айтган гапларни эсланг: «(Менинг ишим) гўзал сабр қилишдир. Сизлар васф қилаётган нарсда эса, Аллоҳнинг Ўзи ёрдам сўралгувчидир», дедим.

Сўнгга бориб, жойимга ётиб олдим. Ҳолбуки, ўша пайтда, Аллоҳга қасамки, ўзимнинг беайб эканимни, албатта Аллоҳ мени оқлашини билар эдим. Лекин Аллоҳга қасамки, Аллоҳ таолонинг мен ҳақимда тиловат этиладиган ваҳий туширишини гумон ҳам қилмаган эдим. Ўзимча, менинг ишим Аллоҳ таоло нозил этадиган тиловат қилинувчи нарсага арзимайдиган иш, деб ўйлар эдим. Лекин ўзимча, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бир туш кўрсалару, ўшанда Аллоҳ мени оқласа, дердим. Аллоҳга қасамки, у зотга ҳали жойларидан қимирламай, аҳли байтдан бирортаси ташқарига чиқмай туриб, Аллоҳ ваҳий нозил қилди. У зот ваҳий келганда тушадиган ҳолатга тушдилар. Сўнгга кулиб, оддий ҳолатларига қайтдилар. У зотнинг биринчи айтган гаплари менга: «Эй Оиша! Аллоҳга ҳамд айт! У сени оқлади!» дейиш бўлди. Шунда онам менга: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам учун ўрнингдан тур!» дедилар.

Мен: «Аллоҳга қасамки, мен у кишига ўрнимдан турмайман. Аллоҳдан ўзгага ҳамд ҳам айтмайман. Менинг оқловимни нозил қилган Зот Удир», дедим».

Тарихда «Ифк ҳодисаси» номи ила машҳур бўлган бу ҳодисадан бутун дунё ларзага тушган. Ифк, яъни гапни бошқа томонга буриш, иғво, бўхтон, тўхмат уйдириш мана шундай ёмон нарсадир. Мунофиқларнинг тўқиган ифки туфайли нималар бўлмайди, дейсиз!

Ифк (бўхтон) ҳар қандай шахсни ҳам, ҳар қандай жамиятни ҳам катта ташвишга, ларзага солади. Ифк катта-кичикни ажратиб ўтирмайди, кимга нисбатан уюштирилса, ўша одамни ташвишга солади. Ҳаёлини

паришон қилади.

Дунёдаги энг пок аёллардан бири, энг вафолли ёстиқдошлардан биттаси, мўминларнинг покиза онаси, Сарвари оламнинг суюкли жуфти ҳалоллари, Сиддиқнинг қизи сиддиқа Оиша онамиз ифкка учраб, гап-сўзга қолдилар. Ўзларининг покликларини очиқ-равшан билиб турганларига қарамай, бу бўҳтондан юрак-бағирлари тилка-пора бўлди. Икки кечаю бир кундуз тинмай йиғладилар. Агар Расули акрам келиб, гап бошламасалар, Аллоҳ билади, яна қанча йиғлар эдилар.

Бу ифк Абу Бакр Сиддиқдек улкан саҳобийни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин дўстларини ҳам паришон қилди. У киши жигар-гўшалари Оиша онамиз йиғлаб келганларида нима қилишни билмай қолдилар. Ҳолбуки, Абу Бакр Сиддиқ ҳаммага маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб юрадиган одам эдилар. Оиша онамиз у кишига мурожат қилиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларига жавоб беришларини сўраганларида «Нима дейишимни билмайман», дедилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳеч бўлмаса Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг оқловлари Қуръони карим орқали собит бўлганидан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга табрик учун бўлса ҳам бирор оғиз сўз айтиб қўйишлари мумкин эди. Лекин шу нарсани ҳам қила олмадилар. Чунки қисқа муддатга бўлса ҳам ўша гап чиқишининг ўзи Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ташвишга солиб қўйганининг ўзи у кишининг тилларини боғлаб қўйган эди. У зотнинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари ана шундай қиёси йўқ даражада эди.

Ифк ҳодисаси Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг яна бир фазилатлари юзага чиқишига сабаб бўлди. Бу Аллоҳ таолонинг розилиги учун ҳар қандай нарсага тайёр туриш фазилатидир. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўзларининг бундоқ тайёргарликларини Мистох ибн Асоса розияллоҳу анҳуга бўлган муносабатларида кўрсатдилар. Авваллари у киши Мистох ибн Асосага қариндош бўлгани ва фақирлиги учун нафақа бериб турардилар. Ифк ҳодисаси бўлганда Оиша онамиз ҳақида ножўя гаплар айтган оз сонли кишилар орасида Мистох ибн Асоса розияллоҳу анҳу ҳам бўлганлар.

Келинг, яна Оиша розияллоҳу анҳога қулоқ осайлик. У киши бу ҳақда қуйидагиларни айтадилар: «Аллоҳ таоло мени оқлаш учун ушбу оятларни нозил қилганида Абу Бакр: «Аллоҳга қасамки, Оиша ҳақида қилган гапи учун Мистохга абадий ҳеч нарса бермайман», деди. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди: «Сизлардан фазл ва бойлик эгаси бўлганлар қариндошларга, мискинларга ва Аллоҳнинг йўлида муҳожир бўлганларга (нафақа) бермасликка қасам ичмасинлар, бас, афв этсинлар, ўтиб юборсинлар. Аллоҳ сизларни мағфират қилишини хуш кўрмайсизларми?! Аллоҳ ўта мағфиратли, ўта раҳмли Зотдир».

Абу Бакр розияллоҳу анҳу дарҳол: «Ҳа! Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ мени мағфират қилишини хуш кўраман», дедилар ва Мис-тоҳга бериб юрган нафақаларини қайтадан жорий қилдилар. Сўнгра: «Аллоҳга қасамки, бу нафақани ундан ҳеч узмайман»,

дедилар». Бошқа ривоятларда таъкидланишича, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу олдин Мистох ибн Асоса розияллоҳу анҳуга хайри эҳсонни бировлардан бериб юборар эканлар, бу ҳодисадан кейин эса, шахсан ўзлари олиб борадиган бўлган эканлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ана шундоқ зот эдилар. Бу ишни қилишга кўпчилик ўзида журъат топа олмайди. Айниқса, оталарда қизларини гап-сўз қилганларга қарши алоҳида наф-рат пайдо бўлади. Бу нафрат умри охиригача ҳам кетмайди. Ўз қизини ноўрин гап-сўз қилган одамга унинг айби собит бўлганидан кейин аввалгидан ҳам зиёдроқ яхшилик қилиш учун Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу каби инсон бўлиш керак.

ҲУДАЙБИЯ СУЛҲИДА

Ислом тарихидаги энг ҳал қилувчи ҳодисалардан бири, яъни «Ҳудайбия сулҳи»да ҳам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу фаол иштирок этдилар. У киши бу ишда ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган ҳақиқий муҳаббатлари ва чексиз ишончларини яна бир бор намойиш қилдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчиликларида умра қилиш учун Маккага яқинлашиб, Ҳудайбия деган жойда тўхтаган мусулмонларни умра қилдирмаслик учун турли чораларни кўраётган мушриклар у зотнинг ҳузурларига ўз элчиларини кетма-кет юбора бошладилар. Навбатдаги элчи келиб-кетганидан сўнг улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига Урва ибн Маъсуд Сақафийни юборишди. У жўнашидан олдин: «Эй Қурайш одамлари! Мен кўриб турибманки, кимни Мухаммаднинг олдида юборсангиз, қайтиб келганидан кейин унга ёмон сўзларни айтиб, қўпол муомала қиялмасизлар. Мени яхши биласизлар, сизлар ота бўлсангиз, мен болангизман. Ташвишингизни эшитиб, ўзимга эргашганларни тўплаб келдим», деди.

Улар: «Тўғри айтасан, сенга тўхмат қиладиган еримиз йўқ», дейишди. Кейин Урва у ердан чиқиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига келди ва: «Эй Мухаммад! Турли-туман одамларни тўплаб, ўзингнинг тухумингни синдиргани олиб келдингми?! Қурайш ҳам ёшу қарисига йўлбарс терисини кийдириб олиб чиқибди. Аллоҳга қасамки, анавилар эртага сени ташлаб қочиб қолишадими, деб турибман», деди.

Ҳазрати Абу Бакр Пайғамбар алайҳиссаломнинг орқаларида ўтирган эдилар. Улар Урвани бўралаб сўқдилар ва: «Биз уни ташлаб қочар эканмизми?!» деди.

«Бу ким, эй Мухаммад?» деди Урва.

«Абу Қуҳофанинг ўғли», дедилар Расулulloҳ.

Сўнгра унга ҳам аввалгиларга айтганларини айтиб, уруш учун келмаганларини билдирдилар. Урва Расулulloҳнинг ҳузурларида у зотга саҳобалар қандай муносабатда бўлаётганларини кўрди. Таҳорат қилсалар,

сувни ерга туширмасдан илиб қолишарди. Сочларидан бирор тола тушса ҳам, талашиб кетишар эди. Шунда у Қурайш ҳузурига қайтиб бориб: «Эй Қурайш одамлари, Кисрони ўз мулкида кўрдим, Қайсарни ҳам ўз мулкида кўрдим, Нажошийни ҳам ўз мулкида кўрдим. Лекин қасамки, ҳеч бир подшоҳни ўз қавмида Мухаммадни ўз саҳобаларининг ичида кўрганимдек кўрмаганман. Мен-нимча, улар уни ҳеч нарсага алмашмайдилар. Билганингизни қилинг», деди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган улкан муҳаббатларигина Қурайш элчиси Урва ибн Маъсуд Сақафийни бўралаб сўкишларига сабаб бўлди. Аслида у киши сўкинадиган одам эмас эдилар. Худди шу ишнинг айнан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан содир бўлгани ҳам у кишининг Пайғамбар алайҳиссаломга бўлган муҳаббатлари бошқа саҳобаи киромларникидан кўра кучлилигини кўрсатади.

Иш охирига етиб, фақат сулҳни ёзишгина қолганида, Умар ибн Хаттоб ўринларидан сакраб турдилар ва Абу Бакрнинг олдиларига келиб: «У киши Расулulloҳ эмас-милар?!» деди.

«Албатта, Расулulloҳлар!» деди Абу Бакр.

«Биз мусулмонмизми?!» деди Умар ибн Хаттоб.

«Албатта», деди Абу Бакр.

«Улар мушрик эмасми?!» деди Умар ибн Хаттоб.

«Албатта мушриклар», деди Абу Бакр.

«Унда нима учун динимизни пасткашликка алмаштирамиз?!» деди Умар ибн Хаттоб.

«Эй Умар, у киши албатта Аллоҳнинг Расулидирлар», деди Абу Бакр.

«Мен ҳам шаходат келтираман, у киши албатта Аллоҳнинг Расулидирлар», деди Умар ибн Хаттоб.

Ҳа, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шу даражада ишонар эдилар. У кишининг қиладиган ишларининг барчасини заррача мулоҳаза қилмай, тасдиқ қилар эдилар. Бу эса Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг фазлларига фазл қўшар эди.

Ибн Асокир ал-Воқидийдан қуйидагиларни

нақл қилади: «Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтиб юрарди: «Исломда Ҳудайбия фатҳидан кўра улғувроқ фатҳ бўлмаган. Лекин ўша куни Мухаммад билан унинг Роббиси орасида бўлган нарсадан одамларнинг фикри қисқалик қилди. Бандалар шошиладилар. Аллоҳ бўлса ишларни ўзи ирода қилганидек бўлишига етказмагунича бандалар шошилганидек шошилмайди. Видолашув ҳажидида Сухайл ибн Амрга назар солдим. У сўйиш жойида тик туриб олиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга туяларни яқинлаштириб турарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса уларни ўз қўллари билан сўяр эдилар. У зот сарта-рошни чақирдилар. У сочларини олди. Сухайлга назар солдим. Сухайл у зотнинг соч толаларини териб олиб, икки кўзига суртар эди. Унинг бу ҳолини кўриб туриб, худди шу одам Ҳудайбия куни «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»ни ёзишдан, «Мухаммадур Расулulloҳ»ни ёзишдан бош тортган эди, деб ўйладим ва уни Исломга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамд айтдим».

Ҳа, мана шундай пайтларда Аллоҳ таолонинг ҳикматини англаш учун Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу сингари кучли иймон соҳиби бўлиш керак. У зот каби Аллоҳ таоло нимага буюрса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам нимага даъват қилсалар, ҳеч бир тараддудсиз таслим бўладиган банда бўлиш керак. Аллоҳ таоло нозил қилган Қуръони каримда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида келган ҳар бир гапни ва маънони дарҳол тасдиқлайдиган банда бўлиш керак.

Ҳудайбия сулҳи саҳобаи киромларнинг назарида мағлубиятга ўхшаб кўринган эди. Баъзилар Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга ўхшаб, ўз норозиликларини ошкора изҳор ҳам қилган эдилар. Фақат Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳугина заррача шубҳасиз таслим бўлган, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган гаплардан бош-қа нарсани хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”дан).



БИЗ ҒАРБДАН ОРҚАДА ЭМАСМИЗ!

Яқинда бир шифокор танишим мен билан тортишиб қолди: эмишки, мусулмонлар тиббиёт (медицина) соҳасида илгари ҳам, ҳозирда ҳам Ғарбдан жуда орқада қолиб кетганмиш. Биргина Олмония ва Исроилдаги малакали шифокорлар сони бутун Ислом оламидагидан кўп эмиш.

Шифохоналардаги ўринлар сони ва болалар ўлимини камайтириш бўйича ҳам мусулмонлар ҳали-бери ғарбликларга ета олмасмиш. Олдинига унинг бу иддаоларига: "Ҳа энди, уларда касалланиш кўп бўлгани учун дўхтир билан шифохона кўп-да, мусулмонлар унча-бунчага касал бўлавермайди, инна й кейин ғарбда туғилиш йўқ ҳисоби, туғилмаган бола қандай қилиб вафот этсин?", деб ҳазил билан жавоб қайтармоқчи ҳам бўлдим.

Кейин унинг бунақа ҳазил жавобларни хушламаслигини ва ҳозир ўз фикридан қайтиш нияти ҳам йўқлигини сезгач, ҳазорамизда тиббиётга қанчалик эътибор берилгани билан бир қур таништиришга қарор қилдим. Шифокор танишим фақат биргина масалада ҳақ

эди: ҳақиқатан бир вақтлар илм-фаннинг бешиги бўлган, илмнинг деярли барча соҳаларида ўша ғарбликларга устоз бўлган, ҳазораси гуллаб-яшнаган пайтда бутун дунёга ибрат кўрсатган Ислом дунёсининг кейинги асрларда турли тарихий

жараёнлар ва илоҳий ирода туфайли бироз ортда қолиб келгани ҳақиқат!

Аммо бу – Аллоҳнинг иродаси! У Ўзи билган ҳикматга кўра, бир даврда баъзи халқларни тараққиётнинг чўққисига чиқарса, маълум вақт ўтганидан кейин уларнинг ўрнига бошқа бир қавм ёки миллатни юксакликка кўтаради. Бу ҳолат янги милодий асрга келиб мусулмонларнинг илмий-техникавий соҳадаги ҳаракат ва ютуқлари ижобий томонга қараб жиддий ўзгараётганида ҳам кўринмоқда. Буни ғарбликларнинг ўзлари ҳам тан олиб ёзишяпти. Ғарб эса жуда узоқ йиллик қолоқликдан кейингина охириги асрларга келиб бугунги тараққиётга эришганини ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак. "Тегирмон навбати билан" деганларидай, мусулмонларнинг яқин орада яна тарих саҳнасида пешқадамлик қилишлари мумкинлиги унча баҳс талаб этмайдиган ҳақиқат бўлиб кўринмоқда.

Энди ўша ғарбпараст танишимиз билан баҳслашиб, тортишиб ўтирмайлик-да, у ёмонлаётган мусулмонлар бутун тарих давомида бошқа жуда кўп соҳалар қатори тиббиётда ҳам пешқадамлик қилишганини исботловчи далилларни келтириб қўяқолайлик.

Юртимиздан чиққан улуғ олим ва ҳаким Абу Али ибн Синони бутун дунё замонавий медицинанинг отаси деб тан олгани, унинг тиббиётга оид "Ал-Қонун" каби шоҳ асарлари ўн олтинчи асргача Ғарбдаги барча тиббиёт дорилфунунларида дарслик қилиб ўқитилгани, замонавий тиббиёт жуда кўп жабҳаларда Ибн Синодан ўрганганини, ҳатто "медицина" сўзи ҳам унинг номидан олингани ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Чунки бу далилларни Шарқу Ғарбда ҳамма жуда яхши билади.

Энди ўша баҳсчи танишим билмаган ёки билишни истамаган баъзи далилларни келтириб ўтсак. Мусулмон олими Собит ибн Қурра (835–902) биринчи марта анестезинни топган. Али ибн Исо эса ўн биринчи асрда буни илк бор кўз жарроҳлигида қўллаган. Бироқ бу кашфиёт 1850 йилга келиб Жанкайники бўлиб кетди.

Али ибн Аббос (вафоти 994) капиляр қон томирларини кашф қилган, минг йил олдин саратон (рак)

амалиётини амалга оширган.

Аммор ибн Али ўн биринчи асрда биринчи марта кўз пардаси жарроҳлигини ўтказган.

Абул Қосим Захравий ғарбда замонавий жарроҳлик отаси, деб тан олинган, у жарроҳликда икки юз хил асбоб ишлатган, олим туғишда қўллаган усул ғарбда беш юз йил кейин жорий бўлди.

Усмонли салтанат ҳукмдори Султон Муҳаммад Фотиҳнинг устози Оқшамсуддин (1389–1459) Пастордан тўрт юз йил аввал микробни кашф қилган.

Умуртқа сили ва артрит (бўғимлар шамоллаши) касаллигини биринчи бўлиб аллома Абул Қосим аниқлаган, Потт эса ундан 700 кейин буларни "кашф этди".

"Верем" микробини топгани учун Р. Кочга Нобел мукофоти берилган, ваҳоланки бу микробни ундан 150 йил олдин Камбур Восим (вафоти 1761 йил) топганди.

Ислоннинг илк даврларидаёқ, яъни милодий олтинчи аср ўрталарида Ҳорис ибн Килда каби тиббий мадрасани битирган мусулмон табиблари етишиб чиқди. У Пайғамбар алайҳиссалом замонларида яшаган бўлиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар саҳобаларининг касали қайталанаверса, унга бориб даволанишни маслаҳат берардилар.

Валид ибн Абдулмалик замонида Ислондаги илк шифохона барпо этилди, у фақат моховларни ажратиш даволарди. Кейин бирин-кетин турли ихтисосдаги шифохоналар пайдо бўла бошлади, улар "бемористон" номи билан танилган эди.

Ислоний шифохоналар доимий ва кўча бўларди. Кўча шифохоналардан бири илк бор Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётликларидаёқ урфга кирганди. Ҳандақ ғазотида ярадорлар учун махсус чодир (тиббий пункт) тикилганди. Кейинчалик қишлоқма-қишлоқ кўчиб юрадиган кўча шифохоналар ҳам пайдо бўлди.

Доимий шифохоналарга келсак, улар пойтахт ва шаҳарларни тўлдирадиган даражада кўп эди. Ислон оламидаги кичикроқ шаҳарларда ҳам ўнлаб шифохоналар ишлаб турарди. Масалан, биргина Қуртуба шаҳрида элликта йирик шифохона бор эди.

Табибнинг ўз ҳолича муолажа қилишига рухсат берилмасди. Бунгача у мамлакатнинг катта табиблари олдида имтиҳондан ўтиши, шаҳодатнома олишни кўзлаган фани бўйича рисола тақдим этиши (рисола ўзи ёзган асар ёки машҳур тиб олимлари асарларига шарҳ, изоҳлар бўлиши керак) зарур бўлар эди. У имтиҳонда барча саволларга жавоб берсагина ва ўз иқтидорини исботлай олсагина, унинг табиблик қилишига ижозат бериларди. Ҳижрий 319 (милодий 931) йили айрим табиблар хатоси туфайли бир одам вафот этиб қолганида халифа Муқтадир салтанат пойтахти Бағдоддаги

барча табибларни қайт имтиҳондан ўтказишга фармон берган ва Бағдод бош табиби Синон ибн Собит шаҳардаги 864 табибнинг ҳаммасини шахсан ўзи синовдан ўтказган эди.

Барча йирик шифохоналар қошида алоҳида тиббий маъҳадлар (институтлар) ҳам бўлган. Уларда талабалар устозлари билан бирга беморларни муолажа қилишда қатнашишган, бундан бўш пайтларида дарс ва машғулотлар, илмий тажрибалар олиб боришган. Шифохоналарнинг кутубхоналарида тиббиётга оид асар ва дарсликлар етарли бўлган. Масалан, Ибн Тулуннинг Қоҳирадаги шифохонаси кутубхонасида тиббиётнинг турли соҳаларига доир юз минг жилддан зиёд китоб бўлган.

Ўша давр шифохоналарида беморга муносабат ҳозиргилар ҳавас қилгудай даражада бўлган. Касалланиб, шифохонага келган беморнинг исми-шарифи алоҳида дафтарга қайд этилгач, унинг кийимлари ечиб олиниб, ҳаммом қилдирилган ва махсус шифохона кийими берилган. У икки-уч кишилик хоналарга алоҳида қаравотга ётқизилган. Уларнинг озқаси қўй, мол, товуқ ва парранда гўштидан тайёрланган, уларга шифобахш шароблар, табиий дори-дармон ва маъжунлар берилган. Бир ўтиришда битта нон ва бутун бир овуқ гўштини еб туғатган бемор тузалган, деб ҳисобланган. Муолажа охирига етганида у янги кийимлар, ишлашга қодир бўлгунча етадиган маблағ билан таъминланган. Ислон оламида ташкил этилган барча шифохоналар, у Мағрибда ё Машриқда бўладими, Бағдод, Дамашқ, Қоҳирадами, Макка, Марокаш, Самарқанд ё Андалусда бўладими, ҳамма ерда шароит бир хил эди.

Бағдоддаги Азудий шифохонасини ҳукмдор Азуддавла ибн Бувайх ҳижрий 371 йили қурдирган эди. Бу шифохонада даволаш жойларидан ташқари улкан кутубхона, дорихона, ошхона ва омборхона



ҳам бор эди. Беморларга дори-дармондан ташқари ноёб ичимликлар, мева шарбатлари, атир каби хушбўйликлар бериларди. Мева ва сабзавотлар шифохонага қарашли вақф ерларда етиштириларди.

Дамашқдаги Ан-Нурий ал-Кабир шифохонасидаги қулайликлар бундан ҳам кўп эди. Уни одил подшоҳ, султон Нуриддин аш-Шаҳид ўз пулига қурдирган эди. Султон уни фақат камбағал ва мискинлар ихтиёрига бериб қўйган, барча дори-дармонлар бепул эди. Ҳижрий 580 йили ушбу шифохонани келиб кўрган сайёх Ибн Жубайр ундаги шароитлар ҳақида алоҳида рисола ҳам ёзган экан.

Тарихчиларнинг зикр қилишларича, ҳижрий 831 йили фазилатли шайхлардан бўлган бир ажами (араб бўлмаган) киши Дамашқни зиёрат қилибди. У ан-Нурий шифохонасига кириб, табибларнинг кўплиги, беморларга кўрсатилаётган яхши эътибор, ундаги озик-овқат, кўрпа-тўшак ва беҳисоб қулайликларни кўриб, табибларнинг билимини бир синаб кўрмоқчи бўлибди. У ўзини касалга солиб, уч кун шифохонада қолибди. Табиббоши унинг касалини кўргани кириб, томирини ушлаб кўргач, касал эмаслигини, табибларни синаш учунгина келганини сезибди-да, унга тотли таомлар, семиз товуклар, ширинлик ва ичимликлар, турли мевалар беришни буюрибди. Сўнгра уч кун ўтгач, унга: "Бизда меҳмондорчилик уч кундир" деган сўзлар ёзилган қоғозни тутқазишибди. Шунда ажами киши ўз мақсадини сезиб қолишганини англаб, секин жўнаб қолибди.

Мисрдаги "Қоловун бемористони" номи билан машҳур бўлган "Ал-Мансурий ал-кабир" шифохонасини султон Мансур Сайфуддин Қоловун амирлардан бирининг ҳовлисини сотиб олиб, қурдирган эди. Унга кириш ва фойдаланиш эрқагу аёл, бою камбағал, қулу ҳур – барчага баробар бепул эди. Ундан тузалиб чиққан беморларга бир сидирға янги кийим бериларди. Бордию касал тузалмай вафот этиб қолса, уни шифохона ҳисобидан ювиб-кафанлаб, дафн этишар эди. Ҳар бир беморга малакали табиблардан ташқари, биттадан ходим ва фаррош хизмат кўрсатарди. Ўша пайтдаги ғарб ўлкаларида бўлганидай битта каравотга уч-тўрттадан эмас, биттадан касал ётқизилар эди. Уйда даволанишни истовчиларга ҳам шифохонадан алоҳида табиб бориб хизмат кўрсатар, шу ердан дори-дармон, таом ва ичимликлар етказиб бериларди. Бу шифохонанинг доврўғи шунга етдики, ундан соғайиб чиқиб кетганларнинг ҳар кунги сони тўрт минг кишидан ортиб кетди. Энг қизиғи, тузалиб чиқиб кетаётганларга янги уст-бошдан ташқари шифохонадан чиқа солиб ишлашга мажбур бўлмасин, дея икки-уч ойга етадиган нафақа ҳам берилар эди.

Булардан ҳам ажойиби, ҳар бир касалга бошқа бемор ишлатмаган хос идишда овқат улашилари-

ди. Унинг усти маҳкам ёпилиб, шу ҳолатда касалга етказилиши лозим эди. Бундан ҳам ажойиби, сариқ касаллигига чалинганлар алоҳида хонага ёлғиз ажартиб қўйиларди. Бу хонада уларга босиқ, ёқимли куйлар эшиттирилар ёки қиссахонлар турли ривоятларни сўзлаб беришарди. Тузалиш арафасидаги беморларга кулгили саҳналар ўйнаб берилар ёки уларнинг дардини енгиллатиш учун майин овозда ашула айтиб туриларди. Бу ҳолат милодий 1797 йили француз қўшинлари Мисрга бостириб киргунларича давом этди ва бу ажойиб шифохонанинг фаолияти тугади.

Яна бир машҳур шифохонани Марокашда мўминлар амири Мансур Абу Юсуф қурдирган эди. Шифохона ичига турли мевали ва манзарали дарахтлар, гул ва буталар, ҳар хил сабзавотлар экилган эди. Шифохонанинг ҳамма хоналаридан сув айланиб ўтарди. Унинг ҳовлисида тўртта мрамар билан ишланган ҳовуз бор эди. Марокашда ҳар бир камбағал ва ғариб унда бемалол даволанар, унинг таъминоти тўлалигича шифохона ҳисобидан эди. Агар бемор камбағал бўлса, тузалганидан кейин ҳам ишлатиб туришга алоҳида маблағ бериларди. Амр ҳар жума кун шифохонага келиб, беморлар ҳолидан хабар олар, табиб ва ҳамшираларнинг муомаласи ҳақида сўраб-суриштирарди.

Шу ўринда Ислом оламидаги шифохоналар фаолияти ҳақидаги сўзимизни тугаллаб, энди ўша пайтдаги Оврупада энг катта ҳисобланган Париждаги "Отел Дею" шифохонасидаги аҳвол ҳақида фаранг тарихчилари Макс Тордо ва Теннонларнинг ёзганларини келтирамиз: "Шифохонада 1200 та каравот бор, шундан фақат 486 таси бир кишига мўлжалланган. Эни беш қадамча келадиган қолганларида одатда учтада олтитагача касал ётдаи. Ҳаво кирадиган тўйнуқлари йўқлиги сабабли катта заллари сассиқ, жуда зах ва доимий қоронғу эди. Доимо битта залда саккиз юз чоғли касал ерга узала тушиб ётади. Хона торлик қилганидан беморлар полга ёки похол тўшалган ерга устма-уст бўлар даражада тикилиб ётишади. Бу ҳолатдан одам эзилиб кетади. Ўртача катталикдаги битта каравотда ёш болалар кексалар билан, аёллар эркакларнинг ёнида ётганини кўрасиз (Ишонмаслигиниз мумкин, лекин булар ҳақиқат!) Йўлакдаги аёлни ичтерламадан иситма алангасида ёниб ётган бола билан ёнма-ён ҳолда топасиз. Иккови эса тери касалига чалинган кишининг ёнида ётишибди. Уларга берилаётган таом ҳам тасаввур қилиб бўлмайдиган даржада кам ва бетартиб, узоқ муддатда бериларди".

Менимча, бу ҳаққоний сўзларга изоҳ беришнинг ёки Шарқдаги ва Ғарбдаги ҳар икки ҳолатнинг қай бири афзал экани ҳақида тортишиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак!

Аҳмад МУҲАММАД.

АЗВОЖИ МУТОҲҲАРОТ

Бу сўз луғатда «поқдомон, покиза аёллар» деган маънони билдиради. Бу истилоҳ асосан Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) пок завжалари (хотинлари), яъни мўминлар оналарига нисбатан ишлатилади. Қуръони каримга кўра ҳаммалари мўминларга она ўрнидадирлар (Аҳзоб, 6). Яъни, мўминларга ўз оналари қандай ҳурматли бўлишса, Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) завжаларига ҳам шундай ҳурмат кўрсатишлари вожиб. Бу ҳукм Расулulloҳ (алайҳиссалом) ўлимларидан кейин бирорта мусулмон у зотнинг пок хотинларига уйланишдан умидвор бўлмасликлари учундир.

Расули акрамнинг олти миш уч йиллик умрларида никоҳларига олган завжалари ўн икки нафар бўлган: Ҳазрати Хадича, Ҳазрати Савда, Ҳазрати Оиша, Ҳазрати Хафса, Ҳузайма қизи Ҳазрати Зайнаб, Ҳазрати Умму Салама, Жаҳш қизи Ҳазрати Зайнаб, Ҳазрати Умму Ҳабиба, Ҳазрати Жувайрия, Ҳазрати Сафийя, Ҳазрати Мория, Ҳазрати Маймуна розияллоху анҳумолардир. Булардан Сафийя Исроил жинсидан, Мория мисрлик қибтийлардан, қолганлари араб эдилар. Араб завжаларнинг олти нафари Қурайш қабиласидан.

Ислому муҳолифларининг иддаоларига қарши ўлароқ Пайғамбар алайҳиссаломнинг бунча хотинга уйланишларининг бир неча ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий ва диний сабаблари бўлган. Бу зот улар ўйлаганидай ўз ҳузур-ҳаловатларини кўзлаб уйланмаганлар, балки бундан маҳлум бир мақсад ва дин фойдасини кўзлаганлар. Бу аёлларнинг Ҳазрати Оиша ва Мориядан ташқари ҳаммалари ёши ўтиб қолган тул хотинлар эди. Ҳазрати Хадича жаноби Расулulloҳга никоҳланганларида турмуш кўрган, эрларидан ўн беш ёш катта аёл бўлганлар. Аммо шунга қарамай, Хадича онамиз Ислому тарихининг энг буюк аёли, Пайғамбаримизга биринчи бўлиб иймон келтириб орқаларида намоз ўқиган эдилар. Расули акрамнинг етти фарзандларидан олтитасини Хадича розияллоху анҳо туққан эдилар. Пайғамбаримиз эллик ёшларигача биргина Ҳазрати Хадича билан никоҳда бўлдилар.

Яна бир завжалари Ҳазрати Оиша ёш бўлишларига қарамай Исломининг улугъ фақиҳи, муҳаддис ва олимаси бўлиб етишдилар. Ҳазрати Оиша Пайғамбар алайҳиссаломдан 2210 та ҳадис ривоят қилиб бу соҳада пешқадамлардан бўлдилар, шаръий ҳукмларнинг тўртдан бири шу зотнинг ривоятлари асосида тузилган.

Бу пок зотлар ўтган, ҳозирги ва келгуси авлод хотин-қизларимизга шахсий ўрнакнинг энг олий намунаси бўла олдилар. Чунки уларнинг уйларида инсониятга қиёматгача икки дунё саодатини кўрсатиб берувчи илоҳий дастур – Қуръони каримнинг оятлари тушиб турар эди. Айни чоқда, ушбу оятларни, Пайғамбар (алайҳиссалом) суннатларини, шариату аҳкомларини муслима аёлларга ўзига хос услуб билан етказадиган, аёлларнинг ўзигагина хос бўлган масалаларни тушунтириб берадиган муаллималар улар бўлишди. Бундай улкан ва масхулиятли иш бир ёки икки аёлнинг қўлидан келадиган иш эмасди, улар кўпроқ бўлиши керак эди ва буни фақат Пайғамбар (алайҳиссалом) аёлларигина бажаришлари мумкин эди. Аллоҳ таоло шу каби турли ҳикматларга кўра, баъзи бир ҳукмларни Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ёлғиз ўзларига хос қилиб қўйгани маълум ва машҳур. Шариатда бир мусулмон эр никоҳида бирданига тўртта хотинни олиб туришга рухсат бор, масалан, бешта хотинни бирданига никоҳида жамлаш мумкин эмас. Аммо Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тўрт хотиндан кўпини ҳам бир йўла никоҳларида ушлаб туришларига рухсат берилган. Натижада у барча оналаримиз аёллар ўртасида динимиз ҳукмларининг тўғри ва кенг ёйилишига буюк хизматлар қилишган. Мусулмонлар Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) покиза завжалари номини ҳурматлаб тилга олишади, исмлари ёнига «ҳазрат», «розияллоху анҳо», «уммул-мўминин» (мўминларнинг оналари) деган сифатларни қўшиб айтишади. Аллоҳ таоло барча покиза оналаримиздан рози бўлсин!



Шарқда Исломнинг уйғониши



Мусулмон дунёси “Араб баҳори” воқеаларидан сўнг туб ўзгаришларга дуч келди. Бу яхшими ёмонми, вақт кўрсатади. Араб инқилоблари таъсирига жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатаётган сўнгги кўрғон, шиаларнинг бир оқими ҳисобланган алавийлар қўлидаги Сурия қолди. Бироқ, эҳтимол, Ғарб ва АҚШ босими остида мустабид Асад режими ҳам йиқитилар. Сўнг “Баракали” Яқин Шарқ мамлакатлари ёрдамида у ердаги ҳокимиятни ҳам мусулмонлар қўлга олишади.

“Араб баҳори” Яқин Шарқ ҳаётига анча ўзгартиришлар киритди. Бугун ҳокимият аста-секинлик билан “Ислом фақат қуруқ сўз эмас” дейдиганлар қўлига ўтаётганини кузатмоқдамиз. Араб мамлакатларида гуллаб-яшнаган ва диктатура билан қўллаб-қувватланган дунёвийлик

(секуляризм) ўлди, яшаб қола олмади. Натижада, у ўз ўрнини диндорликка мойил бўлган демократик тизимларга бўшатиб бермоқда.

Бундан бир неча йил олдин диний кайфиятдаги сиёсатчилар Туркия ҳукуматига келгандан сўнг, секуляризм ўз мавқеини бой бера бошлади. Мамлакат Усманийлар империяси ва буюк салтанатни қумсай бошлади. Буни кейинги пайтда туширилган ва халққа тақдим қилинаётган кинофилмлардан ҳам билиб олсак бўлади. “Муҳташам аср” ва “Константинопол – 1453” филмлари ҳам Ислом анъаналарига содиқ қолган ҳолда Усманий салтанат сиёсат билан фаол шуғулланганини кўрсатиб бермоқда. Бугун эса, сиёсий Ислом бош кўтараётганининг гувоҳи бўляпмиз.

Араб мамлакатларида ҳукумат исломийлашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Миср ҳокимияти узоқ вақтлар қувғинда бўлганлар қўлига ўтди. Бугун ўз қарашларининг мустақамлигини воқеликда синаб кўришни орзу қилган “Ихвонул-муслимийн” шундай имкониятга эга бўлиб, сиёсий Ислом ўйинларига тўла фарқ бўлиш имконига эришди. Ҳарбийлар аста-секин ҳукуматни исломчиларга топширишмоқда. Бошқа мамлакатларда эса, “Араб баҳори” таъсирини камайтириш мақсадида парламент ва ҳукумат амал курсиларни Исломга мойиллиги бўлган партия ва сиёсатчилар эгаллашига йўл очмоқда.

Араб мамлакатларида табора катта нуфузга эга бўлаётган, Исломга мойил бўлган янги кучлар билан энди Америка ва Европа ҳам ҳисоблашадиган бўлиб қолди. Ғарб ОАВлари бу мамлакатларга саёҳат қилишни ёқтирадиган сайёҳларни мазкур мамлакатларда шариат ҳукмлари жорий қилиниши билан қўрқитаётган бир вақтда, Ғарб ва Америка компаниялари янги ҳукуматлар билан ҳамкорлик шартномаларини тузишга шошилмоқдалар. Инқилобдан сўнг бу мамлакат ҳукуматида ким келишидан қатъи назар, улар қолган дунёдан айри яшай олмайдилар. Бунинг устига улар шариатни жорий қилишга ҳам унчалик шошаётгани йўқ. Агар кимдир ҳали бу далилдан беҳабар бўлгудай бўлса, Миср армияси Американинг “беғараз” молиявий ёрдамига жуда қарамдир. Шунингдек бу ерда, инқилобнинг юзага келишига та-

маддун ютуқлари ҳисобланган, ошкоралик ва демократияга ўйнашни яхши кўрадиган ижтимоий тармоқлар ёрдамлашиб юборгани ҳам рост. Бироқ, ҳукуматнинг исломийлашиб бораётганини яшириб бўлмайди.

Мутахассисларнинг тан олишича, “Араб баҳори” миқёсига кўра барча Ғарб мамлакатлари учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Ағдарилган ҳукмдорларнинг секуляр сиёсати билан босиб келинаётган диний қадриятлар бу даражада “уйғонишини” ҳеч ким ўйламаган ва тасаввур қилмаган эди-да.

Исломнинг турли мамлакатлардаги кўтарилишида унинг турфа хусусиятларга эга эканини ҳам эътиборга олиш зарур. Жангари оқимлару ҳамда мўътадил Ислом тарафдорлари бор. Ҳар қайси мамлакатда уларга муносабат ҳам турлича. Келажақда мусулмон дунёсида улар орасида ихтилофлар янада кучайиши эҳтмоли ҳам бор. Бу эса ўз ўрнида нафақат Яқин Шарқ, балки бутун дунё барқарорлигига таъсир қилиши шубҳасиз.

«Араб баҳори» мажоралари араб юртларига тинчлик олиб келмади, аксинча турли ўлкаларда фуқаролик урушлари бошланиб кетди. Чунки бунинг орқасида турган манфаатдор кучлар уларга ҳеч қачон дўст бўла олмайди...

Абу Муслим тайёрлади



БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Журнал мухлисларининг саволларига
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ ҳазратлари жавоб берадилар:

ЖИМОЪДАН KEYIN ҒУСЛ ҚИЛМАЙ УХЛАСА БЎЛАДИМИ?

Эр-хотин қўшилгач, ғусл қилмасдан уйқуга кетиши ёки таом ейиши мумкинми? Жунуб ҳолатда тирноқ олиш, қўлтиқни тозалаш-чи?

ЖАВОБ: Жунуб бўлган одам бир нарса ейишни истаса, аввал қўлларини, сўнг оғзини ювади, ундан кейин овқатланса бўлади. Жунуб ҳолда ухлашни истаган одам агар намоз вақтини ўтказиб юбормай уйғонишига амин бўлса, жоиз.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: "Шубҳасиз, ичида ит, сурат ва жунуб бўлган уйга фаришталар кирмайди". Бу ҳадисдан мурод жунуб ҳолда юришни одат қилган, бир неча вақт намозни ўтказиб юборганлардир. Демак, жунуб бўлгач, қанча тез ғусл қилса, шунча яхши. Жунуб бўлган одамнинг ухлашдан олдин таҳорат олмоғи машруъдир. Баъзилар мустаҳаб, ҳам дейишган.

Жунуб ҳолда киндик остини ва қўлтиқни туқлардан тозалаш ва тирноқ олиш макруҳдир (кароҳиятлидир). Бундай ишларни ғусл олиб бўлгандан кейин бажариш керак. Хайз кўрган ва нифосдаги аёлларнинг ҳам ҳукми шундай.

Имом Ғаззолий "Ихёу улумид-дин" китобида бундай дейдилар: "Жунуб бўлган (киши) тирноқ олиши, туқларни қириши, этак ва қўлтиқ остини тозалаш, қон олдириши ёки вужуддан ҳар қанақанги парчани, бўлакни ўзиши, қўпориши яхши эмас. Чунки барча аъзолар, бутун вужуд қиёматда тирилганида ювилмай қолган ёки шу ҳолда қирилган ҳар нарса жунуб ҳолида бўлади" (Аллоҳ билувчидир).

АЁЛ ЖАННАТДА КИМ БИЛАН ЯШАЙДИ?

Агар киши ўлганидан кейин унинг хотини бошқа кишига турмушга чиқса ва бирга ҳаёт кечириб, вақти келганида улар ҳам вафот этишса, сўнгра уювлари жаннатга киришса, аёл икки эридан қайси бири билан бирга бўлади?

ЖАВОБ: Мўминлар онаси Умму Салама розийаллоҳу анҳодан ҳудди шу мавзуга тааллуқли ҳадис ривоят қилинган. Бу онамиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: "Эй Аллоҳнинг расули, муслима аёл турмушга чиқсаю, эри вафот этса, сўнгра иккинчи кишига турмушга чиқиб, бирга яшаб, вафот этишса-да, пировардида уювлари жаннатга киришса, (аёл қайси бири билан бирга бўлади)?" деб сўраганларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Эй Умму Салама, Аллоҳ бу аёлга икки эридан бирини танлаш ихтиёрини беради. У аёл эса хулқи яхшисини ихтиёр этади", деб қуйидаги сўзни ҳам қўшиб қўйдилар: "Эй Умму Салама, чиройли хулқлилар дунё ва охиратда "яхшилар" дейилган унвонга эга бўлишади". Ушбу набавий ҳадис саволингизга жавоб бўлади, деб умид қиламиз (Аллоҳ билувчидир).

ФАРЗАНД ОТАСИДАН ВОЗ КЕЧИШИ МУМКИНМИ?

Фарзанд ёшлигида ташлаб кетган отасидан воз кечиши мумкинми? Бир дўстимизни отаси билан яраштириш учун ҳар қанча тиришмайлик, у «Мени тирик етим қилган отамдан воз кечганман», деб алоқаларни тиклашга кўнмаяпти. Шунга тўшунтириш берсангиз.

ЖАВОБ: Мусулмон киши қандай сабаблар билан аталмасин, ўз отасидан воз кечиши, бошқани ота ҳисоблаши мумкин эмас. Ислоҳ шариатида бу иш таъқиқланган. Баъзилар отаси ёшлигида ташлаб кетгани учун жаҳл қилиб, бошқа бир кишини ота сифатида қабул қилади ва расмий ҳужжатларда бундай қайд ҳам эттиради. Бу иш ҳаромдир.

Насл-насабни ҳар қандай шаклда қалбакилаштириш шариатимизда ҳаромдир. Баъзи эрлар хотинлари билан уришганда уларга ўчакишиб бузуқликда айблайди ва пушти камаридан бўлган фарзандидан воз кечади. Баъзи хотинлар эса эрларига хиёнат қилиб, бегонадан орттирган болани эрига боғлайди. Буларнинг ҳаммаси ҳаромдир (Аллоҳ билувчидир).

ТИРНОҚҚА ЛАК СУРТИШ МУМКИНМИ?

Мен яқинда намоз ўқишни бошладим. Лекин тирноқларимга лак суртиб юраман, хизмат вазифам шуни тақозо қилади. Айтишларича, лак таҳоратга тўсқинлик қилар экан, шу ростми?

ЖАВОБ: Тирноққа лак суртиш ва уни таҳоратга таъсири тўғрисида гапирадиган бўлсак, агар ўша суртилган лак қалин бўлиб, таҳорат қилган пайтда асл тирноққа сув етишига тўсқинлик қиладиган бўлса, жоиз эмас. Яъни, бу ҳолда таҳоратда ювилиши лозим бўлган баданнинг бир қисмига сув етмай қолган ҳисобланади. Опа-сингилларимиз лак суртиш пайтида шу қоидадан эҳтиётли бўлишлари керак. Демак, қалин ва сувни ўтказмайдиган лаклардан четланиб юрсалар яхши бўлади (Аллоҳ билувчидир).

ВАФОТ САНАСИНИ НИШОНЛАСА БЎЛАДИМИ?

Ҳар йили онамизнинг вафот этган кунларида у киши яшаган уйда тўпланиш одатимиз бор эди. Лекин яқинда бир танишимиз: «Ўлган кунда йиғилиш Ислоҳга хос нарса эмас», деди. Биз айнан ўша санада эмас, эртасига йиғилдик. Кейин ўйланиб қолдим: ўлган одамни хотирлаш учун маълум бир санада йиғилиш Ислоҳда умуман мумкин эмасми ёки бошқа бирон кўрсатма борми?

ЖАВОБ: Динимизда бир инсоннинг ўлган кунда хотирлаб оила аъзоларининг йиғилиши ёки йиғилмаслиги тўғрисида кўрсатма йўқ. Мусулмонларда қадимдан одамнинг ўлган кунини эслаб тўпланиш ва хотирлаш маънолари айнан ўша кунга белгилаб қўйилмаган. Ўлганларни хотирлаш доимий равишда бўлиши керак. Уларни ҳамиша хотирлаб дуода бўлиш тирикларнинг бурчи ҳисобланади. Шу билан бирга эътиқодимиз бўйича вафот этган кишиларнинг таналари чириган бўлса ҳам руҳлари тирикдир. Яқинларининг қилаётган амаллари ўлганларнинг руҳига намоёиш қилиб турилади ва бу намоёиш доимо давом этади. Шунинг учун вафот этган яқинлари руҳини шод этаман, деган мусулмон доимий равишда ҳалол-пок, ибодатда ва яхши амалларни қилишда бардавом бўлиши лозим. Бу вафот этганлар учун энг яхши ёднома, хотира бўлади. Лекин йилда бир кунни маълум бир шахснинг вафот этган кунини сифатида белгилаб тўпланиш шариатда йўқ ҳамда йиғилмаслик тўғрисида буйруқ ҳам йўқ (Аллоҳ билувчидир).

Морис БУКАЙ (Франция)

ДУНЁ ЯРАТИЛИШИНИНГ ОЛТИ БОСҚИЧИ

Эски Аҳд китобидан фаркли ўлароқ, Қуръонда дунёнинг яратилиши ҳақидаги матнлар битта яхлит матн сифатида берилмаган. Аксинча, шу мавзуга оид маълумотлар бошқа-бошқа ўринларда алоҳида-алоҳида ҳикоя қилинган. Бу матнларнинг ҳар бири яратилиш тарихининг алоҳида босқичи ҳақида ҳикоя қилиб, турли маълумотларни ўзида акс эттиради. Қуръонда яратилиш тарихи қандай ҳикоя қилинганини кўриш учун кўплаб сураларда баён қилинган шу мавзудаги маълумотларни бир жойга йиғиб чиқиш керак.

Муқаддас Китобда (Эски Аҳдда) эса, бу мавзуда аниқ ёзиб қўйилганки, дунёнинг яратилиши олти кун давом этиб, ортидан дам олиш куни – шаббат келади ва шу тариқа биз билган етти кунлик ҳафта тушунчаси пайдо бўлади. Маълумки Муқаддас Китобдаги бу матн эраизмининг 6-асрида руҳонийлар

томонидан одамларни шаббат куни дам олишга тарғиб қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган. Худонинг ортидан эргашиш, яъни худди у ҳафтанинг дастлабки олти кунида ишлаб, еттинчи куни дам олгани каби шаббат (иврит тилида “дам олиш” дегани) куни дам олиш барча яҳудийларга фарз қилинган.

Муқаддас Китобдаги тафсилотларга суянадиган бўлсак, «кун» сўзи ерга нисбатан қуёшнинг икки марта чиқиши орасидаги вақтга тенг ҳисобланади. Табиийки, бунинг учун Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши рўй бериши керак. Мантиқан олиб қараганда, агар Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ва қуёшнинг ҳам яратилган бўлиши «кун» ўлчами учун шарт ҳисобланса, дунё яратилишининг дастлабки босқичида буни амалга тадбиқ қилиб бўлмайди, чунки Муқаддас Китобга кўра азалда



хали қуёш ҳам, Ер ҳам мавжуд бўлмаган. Бу ҳақда олдинроқ атрофлича тўхталиб ўтдик.

Қуръоннинг таржималарига мурожаат қиладиган бўлсак, у ерда ҳам Муқаддас Китобдаги маълумотлар берилгани, яъни Ислом динининг илоҳий китобида ҳам дунёнинг яратилиши олти кунда рўй бергани ёзилганини кўрамиз. Аммо шуни унутмаслик керакки, бу китоблар Қуръоннинг маънолари таржимаси ҳисобланиб, уларда араб тилидаги сўзларнинг энг кўп ишлатиладиган маъноси таржима қилинган, холос. Масалан, Қуръоннинг дунё яратилиши ҳақида хабар берувчи Аъроф сураси 7-оятни қуйидагича таржима қилинган:

«(Эй инсонлар), албатта Парвардигорингиз – Аллоҳ шундай зотдирки, осмонлар ва Ерни олти кунда яратди» (Аъроф сураси 7-оят)

Баъзи таржималарда «кун» сўзининг ўрнига «давр» ёки «босқич» сўзлари ишлатилганини кўриш мумкин. Лекин ғарб тилларига қилинган таржималарда Қуръоннинг яратилиш босқичларини «кунлар» билан сифатлаш одатга айланган ҳамда бу яхудийлар ва насронийлар орасида кенг тарқалган «олти кун» тушунчасининг Қуръонда ҳам айтилиши шаклда берилганини кўрсатиш, динлар орасидаги уйғунликка ишора қилиш мақсадида амалга оширилган.

Қуръон матнини шундай таржима қилишнинг тўғри бўлиши мумкинлигини инкор қилмаган ҳолда, менимча жавобни Қуръоннинг ўзидан ва аниққисса ўша давр араб тили грамматикасидан излаб кўриш керак, шунда то бугунги кунгача аксар таржимонлар томонидан «кун» деб таржима қилинган «явм», кўплиги «аййам» бўлган сўзнинг асл маъноси ойдинлашиши мумкин бўлади.

Бу сўзнинг энг кўп қўлланиладиган маъноси «кун» дегани, лекин бу «кун» икки марта қуёш ботиши оралиғидаги вақт эмас, балки кўпроқ «давомий ёруғлик» деган маънони англатади. Унинг кўплик формаси ҳисобланган «аййам» сўзи ҳам шунчаки «кунлар» эмас, балки «узок муддатга чўзилган вақт», номаълум (лекин доим узун) вақт оралиғи маъноларида таржима қилинса, тўғри бўлади. Бу сўзнинг «вақт оралиғи» маъносини англатишига Қуръонда бошқа ўринларда етарлича мисоллар берилган. Жумладан:

«... сизларнинг ҳисобингизда минг йилга тенг бўладиган бир кун («вақт оралиғи» - явм). . .» (Сажда сураси, 5-оят)

(Айтиб ўтиш керак, бу оят айнан Яратилишнинг олти босқичи ҳақидаги 4-оятдан кейин келяпти).

«... миқдори-узунлиги (дунё ҳисобида) эллик минг йил бўлган бир кунда («вақт оралиғида» - явм). . .» (Маориж сураси, 4-оят)

«Явм» сўзининг биз билган «кун» маъносидаги вақт оралиғидан бошқача вақт оралиғини ифодалаши мумкинлиги Қуръоннинг аввалги муфассирларини анча қийин аҳволга солиб қўйган, чунки улар замонавий илм-фан орқали биз бугун ўрганган

қоинотнинг турли нуқталарида кун тушунчаси турлича бўлиши ҳақида бирон бир илмий маълумотга эга бўлишмаган. Масалан, милоднинг 16-асрида яшаган муфассир Абу Ал Сууд «кун» тушунчасини Ернинг айланиши билан алоқадор астрономик қоидалар билан тушунтира олмагани учун, яратилиш босқичларини ҳозирги таржимонлар каби «кун» сўзи билан эмас, балки «воқеа» (арабча наба) сўзи билан изоҳлашга ҳаракат қилган.

Замонавий муфассирлар бу мавзуга алоҳида изоҳлар беришган. Юсуф Али (1934) яратилиш босқичлари билан алоқадор ҳар бир оятни шарҳлар экан, «явм» сўзини «кун» маъносида тушунишга, аммо бу «кун»ни биз билган кун эмас, балки «жуда узун муддат, асрлар, даврлар» маъносида қабул қилишга чақирган.

Шунинг учун айтиш мумкинки, Қуръонга кўра дунёнинг яратилиши узок вақт оралиқларида рўй беради ва бу вақт оралиқларининг сони олтитта. Бугунги кун илм-фани ҳали бизга қоинотнинг яратилиши билан боғлиқ мураккаб босқичлар (ёки вақт оралиқлари) сони нечта бўлганини аниқлаш имкониятини бергани йўқ, аммо бу босқичлар жуда узок вақт давом этгани аллақачон исботланган ва уларни бизнинг тушунчамиздаги бугунги «кун» маъносини ифодаловчи вақт билан тенглаштириш ҳеч қанақасига ақлга тўғри келмайди.

Қуръондаги дунёнинг яратилиши билан боғлиқ энг узун оятлардан бирида яратилиш жараёни Ердаги ва осмонлардаги воқеаларни ёнма-ён санаш билан тасвирланади. Бу оятлар Фуссилат сурасининг 9-12 оятларидир:

(Аллоҳ Пайғамбарга қарата мурожаат қиляпти): «Айтинг: "Ҳақиқатан ҳам сизлар ерни икки кунда яратган Зотга кофир бўлурмисизлар ва ўзгаларни Унга тенглаштиурмисизлар?! Бу (Аллоҳ) барча оламларнинг Парвардигори-ку?! У Зот (ернинг) устида тоғларни (пайдо) қилди ва уни баракотли қилди ҳамда ўша (ер)да унинг емишларини (яъни, ер аҳлининг ризқу рўзларини) тўла тўрт кунда белгилаб — тақсимлади. (Бу тафсилот) сўрагувчилар учундир. Сўнгра (арабчада "сумма") тутун ҳолидаги осмонга юзланиб, унга ва ерга: "(Менинг амри-фармонимга) ихтиёран ёки мажбуран келинлар!", деган эди, улар: "Ўз ихтиёримиз билан келдик, (амрингга бўйсундик)", дедилар. Бас, икки кунда етти осмонни барпо қилди ва ҳар бир осмонга (унга буюрилган) иши-вазифасини ваҳий қилди (билдирди). Ва қуйи осмонни чироқлар-юлдузлар билан безадик ва (уни офат-балолардан) сақладик. Бу Қудратли ва Билгувчи Зотнинг тақдири — ўлчовидир» (Фуссилат сураси, 9-12 оятлар)

Фуссилат сурасининг ушбу тўрт оятида келтирилган мавзулар – тутун ҳолидаги осмон ва осмонларнинг сони еттитага тенглиги ҳақида ҳали яна суҳбатлашамиз. Бу етти сонининг ортида қанақа маъно яширингани ҳам кўриб ўтилади. Аллоҳ билан энди яратилаётган осмонлар ва Ер ўртасидаги

суҳбат ҳам ўзига хос аҳамиятга эга, бу ерда ҳойнаҳой осмонлар ва Ернинг яратилгандан кейин илоҳий тартибга бўйсунадиган бўлишлари таъкидлаб кўрсатилляпти.

Қуръондан айб қидирувчилар бу оят билан яратилишнинг олти даври ҳақидаги оят орасида қарама-қаршилик бор, деб ҳисоблашади. Улар ушбу оятлардаги Ернинг яратилиши учун ажратилган икки кунга ер аҳлининг емишларини тақсимлаш учун сарфланган тўрт кунни ва кейин етти осмон яратилган икки кунни қўшиб, жами саккизта кун ҳосил бўляпти, деган хулоса чиқаришади. Бу эса аввал тилга олинган олти кун ҳақидаги маълумотга зид дегани эмиш.

Аслида эса, Аллоҳнинг қудратига ишора қилиш учун Ер билан бошланиб, кейин осмонлар ҳақида гапирилган бу матн икки қисмдан иборат бўлиб, улар арабчада «сўнгра» ва шунингдек «бундан ташқари», «яъни» маъноларини англатувчи «сумма» сўзи билан боғланган. Шунинг учун «кетма-кетлик» тушунчаси бу матнда воқеалар кетма-кетлигига эмас, балки бу воқеаларнинг инсон тасаввури учун тушунарли бўлган бўлган кетма-кетликда қабул қилиниши керак. Балки бу ерда бир вақтнинг ўзида рўй берган воқеалар ҳақида гапирилган, аммо бизга тушунарлироқ бўлиши учун кетма-кетлик қўлланилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Нима бўлганда ҳам, осмонларнинг яратилиш давлари Ернинг иккита яратилиш даври билан баравар ҳисобланиши мумкин. Кейинги саҳифаларда Қуръонда дунёнинг яратилиш жараёни қандай тасвирлангани мавзусига алоҳида тўхталамиз ва ўша ерда осмонлар билан Ернинг яратилиши бир даврда рўй бериши илм-фан нуқтаи назаридан қанчалик тўғри бўлиши мумкинлигини таҳлил қиламиз. Ўшанда осмонлар ва Ернинг яратилиши каби бир даврда рўй берган воқеалар юқоридаги матнда нима учун кетма-кет тасвирлаб берилганининг ҳикматини тушунишимиз мумкин бўлади.

Юқорида келтирилган матн ва Қуръоннинг бошқа жойларида айтилган дунё яратилишининг олти даври орасида ҳеч қанақа қарама-қаршилик йўқ.

Қуръонда осмонлар ва Ернинг яратилиш кетма-кетлиги берилмаган. Қуръондан келтирилган юқоридаги оятларда осмонлар ва Ернинг яратилиши (Аъроф сураси, 54-оят) ҳамда Ер ва осмонларнинг яратилиши (Фуссилат сураси, 9-12-оятлар) ҳақида сўз борди. Кўряпсизки, бир оятда аввал осмонлар сўзи ишлатилса, бошқасида Ер аввал тилга олинляпти. Бунинг сабаби оддий – Қуръонда осмонлар ва Ернинг қайси кетма-кетликда яратилгани мавзусига урғу берилмаган.

Биринчи бўлиб Ер тилга олинган сураларнинг сони жуда кам, жумладан Бақара сураси 29-оят ва Тоҳа сураси 4-оятда «Ерни ва юксак осмонларни яратган Зот» деб Аллоҳга ишора қилинади. Ердан олдин осмонлар тилга олинган суралар эса жуда

кўп (Аъроф, 54; Юнус, 3; Худ, 7; Фурқон, 59; Сажда, 4; «Қоф», 38; Ҳадид 4; Ван-нозиот, 27-33; Ваш-Шамс, 5-10).


АслидаэсаВан-нозиотсурасиниҳисобламаганда, Қуръонда осмонлар ва Ернинг яратилиши бора-сидаги кетма-кетликка биронта ўринда ишора қилинмаган, бу икки сўз орасида араб тилидаги «ва» ҳамда «сумма» боғловчилари қўйилган бўлиб, уларнинг ҳар иккиси кетма-кетликни ҳам, тенгликни ҳам ифодалаши мумкин.

Менимча, Қуръонда яратилишнинг бу икки воқеаси фақат битта ўринда кетма-кет рўй бергандек таърифланган: «(Эй мушриклар), сизларни яратиш қийинроқми ёки осмонними?! (Яъни, бутун ер куррасининг атрофини ўзга сайёралардан бирон зиён етмаслиги учун том — осмон билан қоплаб қўйишга Қодир бўлган Зот учун сизларни яратиш ёки қайта тирилтириш ҳеч гап эмас-ку Аллоҳ) уни бино қилди; Шифтини баланд қилиб, тиклади. Ва У ўша (осмон)нинг тунини қоронғу қилиб, (ундан) кундузини чиқарди. Ва шундан кейин Ерни ёйиб-текис қилди. Ундан сувни, ўтлоқларини чиқарди. Ва у (Ер)га тоғларни ўрнаштирди. (Буларнинг барчаси) сизлар учун ва чорва ҳайвонларингиз учун манфаат бўлсин деб қилингандир» (Ван-нозиот сураси, 27-33 оятлар)

Аллоҳдан инсониятга берилган ер юзидаги ушбу марҳаматлар рўйхати Араб яриморотидаги кўчманчиларга ёки деҳқонларга хос содда тилда тасвирланган бўлиб, осмонларнинг яратилиши бундан олдин ҳикоя қилинган. Аллоҳ ерни ёйиб-текис қилганига ишора тун ва кундуз яратилганидан кейин рўй бергани айтиляпти. Демак, бу матнда икки воқеа – самовий ҳодисалар ва ер ҳодисалари бир-биридан бошқа-бошқа вақтда рўй беряпти. Лекин шуни эътиборга олиш зарурки, ёйиб-текис қилиниши учун аввал Ер яратилган бўлиши керак ва бу жараён Аллоҳ осмонларни яратган вақт билан бир пайтда рўй берган, деб хулоса чиқариш мумкин. Биз эътибор берган юқоридаги оятдаги кетма-кетлик эса осмонлар ва Ернинг яратилиши эмас, балки уларнинг тараққий этиши, осмонларда кун ва тун пайдо қилиниши ва Ернинг ёйиб-текис қилинишига оид воқеалар кетма-кетлиги бўлиши мумкин. Шундай экан, Қуръон матнларидаги осмонлар ва Ернинг яратилишига оид маълумотлардан осмонларнинг аввал яратилгани ёки Ернинг аввал яратилгани ҳақидаги тафсилотларни излаш бефойда: Қуръонда бу сўзлар икки хил кетма-кетликда берилган, аммо ҳеч қайси ўринда бири аввал, бошқаси кейин рўй берганига ишора қилинмаган.

(“Таврот, Инжил, Қуръон ва ҳозирги илм” китобидан).

СУРХОН ОНАСИ



Тақдир тақозоси билан Сурхондарёнинг Сариосиё туманида яшовчи Нормурод Маматов исмли собиқ ҳарбий хизматчи билан танишиб қолдим. У хизмат бурчини ўтаётганида автомобил фалокати-га учраб, ногирон бўлиб қолган, ўшандан буён ҳар йили Тошкент, Наманган госпиталларида даво-лар экан. Бир неча йил олдин намозга кирган бўлиб, ҳар гал учрашганимизда намозни қандай адо этиш, бошқа ибодатларни бажариш тўғрисида саволлар берар, Ислом дини таълимотларини англашга жуда қизиқар эди. Яна у ҳар икки гапининг бирида волидаи меҳрибонини ажиб бир эҳтиром билан тилга олар, онаси Ҳайит ҳожи она билан ҳар куни телефон орқали бўлса ҳам суҳбатлашмаса, дунёси қоронғи бўлиб кетишини айтиб, “мақтаниб” ҳам олар эди. Хулласи, Нормурод билан дўстлашиб қолдик. Бир куни суҳбат чоғида у ўз юртига таклиф қилиб қолди: Термиз атрофида икки буюк Ислом олими Абу Исо ат-Термизий ва Ҳаким ат-Термизийларнинг мақбараси борлигини айтиб фахрланди, сафар асносида онаси билан ҳам таништирмоқчи эканини айтди.

Уч киши – мен, дўстим Қосимжон ҳожи ва Мансур исмли укаҳонимиз билан “Қайдасан, Сурхон?” дея машинада йўлга чиқдик. Олдин Бойсунга бориб, Омонхона сиҳатгоҳида бўлдик. Ярим тунда Сариосиёга, Нормурод командирниқига кириб бордик. Эртасига унинг хонадонига туманнинг бир неча аҳли илмлари ташриф буюришди. Суҳбат қурдик, Нормуродникида бир маросим чоғида тасвирга туширилган видеоларни томоша қилдик.

Видеотасвирдаги бир лавҳа барчамизни ҳаяжонга солди, ҳатто даврадагилардан айримлари кўз ёшларини яшира олмай, рўмолча чиқариб қолишди. Ушбу хонадонда бўлган маросимда туман илм аҳллари-дан Хушвақт ҳожи тўпланганларга ажойиб амри маъруф қилиб, бундай деган экан: “Агар бордию фаришта инсон сиймосида гавдаланадиган бўлса, мен укам Нормуродни фариштага қиёслаган бўлур эдим. Мен онани ҳурматлашни, волидани бошга кўтаришни шу инимдан ўргандим. Бизлар илм аҳлимиз, ота-она-ни ҳурматлаш бобидаги шариат кўрсатмаларини бошқалардан кўра теранроқ англаймиз. Аммо мен ҳам барча хатокор инсонлар каби онамни тузукроқ ардоқлай олмадим. “Ўғлим, бир пас суҳбатлашиб,

кўнглимни бўшатай”, деб эшигимдан кириб келсалар, вақтим тиғизлигини, одамлар кутиб турганини, менсиз маросимларини бошлай олмасликларини баҳона қилиб, кўпинча ёлғиз ташлаб кетибман. Минг истиҳолада, қийнала-қийнала изҳор этган юмушлар-и ёки илтимосларини бажаришни пайсалга солиб, охири унутиб ҳам юборибман. “Дийдорингга бир тўяй” деб келсалар, “аҳли-аёлим ва фарзандларим даврасида қолдириб, ўзим ҳамқишлоқлар юмуши-га жўнабман. Онаизорим илҳақ бўла-бўла, кута-ку-та, ўксина-ўксина бир куни мени ташлаб, Эгалари ҳузурига кетиб қолдилар. Мана бу кўзлар шундан кейингина катта очилди, мана бу ўксик дил шундан кейингина қандай оғир йўқотиш қилганини ҳис этди, мана бу нодон суҳбатдошингиз шундан кейингина ҳаётидаги энг меҳрибон, энг ғамхўр, энг ҳоксор инсонни бой берганини англаб, ўкраб-ўкраб йиғлади. Қанийди, ҳаёт бўлсалар, ҳамма ишимни ташлаб ёнларида ўлтирмасмидим! Қанийди, ҳозир ёнимда бўлсалар, дийдорларига узоқ-узоқ термулиб, дилим-ни бўшатмасмидим! Энди кўзимга суртгали кавушлари изини ҳам тополмайман. Азизлар, оналарни ғанимат билинглар, хизматларини адо этиб дуоларини олин-глалар! Яна бир куни йўқотиб қўйиб, бизларга ўхшаб қалбларинг қақшаб, кўзларинг тўла ёш, армон-надо-матда, афсус-хижолатда қолманглалар! Онани қандай эъзозлашни мана бу иним Нормуроддан ўрганинглалар. Одамлар бир маҳаллада яшаб туриб онасини ойлаб йўқламай юрганида Нормурод командир ҳар куни уч юз чақирим нарида яшайдиган онажонига қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрайди. Ногиронлигига қарамай, ҳафтада ёки икки ҳафтада олис Термизга, онасининг зиёратига жўнайди. Онажони ҳам бу эҳтиромга му-носиб аёллар! Мен у кишини таърифлаб ўтирмай, ҳали Термизга бориб, ҳожи она билан кўришсанглалар, ҳаммасини ўзинглалар билиб оласизлар”.

Сариосиёда икки кун меҳмон бўлгач, Ҳайит ҳожи она зиёратига Термизга жўнадик. Шаҳар марказидан ўтиб, Фурқат кўчасидаги ҳожи она хонадонига кириб бордик. Қаршимиздан ўрта бўй, қорачадан келган, оқ дока рўмол ўраган, юзидан нур ёғилиб турган она-хон пешвоз чиқди. Ҳаммамизни “хуш кепсизлар, азиз меҳмонлар, меҳмон – атои Худо, Аллоҳимга шуқр, кечадан буён сизларни интизор кутиб ётибман” деб ку-

тиб олгач, ўғлини маҳкам кучганича анчагача қўйиб юбормади. Онаизор командир ўғлини жуда-жуда соғингани кўришиб турарди. Ўғил ҳам онасининг пешонасидан ўпиб, қўлтиқлаб олди.

Биргалашиб шинамгина уйга кирдик. Фотиҳа ўқилди, ҳол-аҳвол сўрашилди. Она-бола ўртасидаги муҳаббатни, самимиятни, эҳтиромни кўриб, гапнинг рости, ҳавасим келиб кетди. "Мен раҳматли онамни шундай суя олганмидим, ҳурмати жойига қўя олганмидим?!" деган армонли ҳислар қалбимни ўртади.

Онахон фарзандини ва унинг меҳмонлари бўлмиш бизларни тинмай тўкин дастурхонга таклиф этар, гап орасида тинмай ҳаётини сўзлаб берарди:

– Қани, меҳмонлар, дастурхонга қаранглар, шу денг... кеча Нормуроджон меҳмонларимни олиб, Термизга бормоқчиман, деб сим қоққанидан буён кўзимга уйқу илинмайди. Зап келибсизлар-да Нормуроджонимни хурсанд қилиб. Ўғлим гўштни яхши кўради, деб қассобга бордим, қўйнинг тўрт кило қуйруғи ва гўштини келтириб, қозонга босдим. Кейин булка нонни яхши кўради, деб яна дўконга чиқдим.

– Келинлар, қизлар йўқмиди, бозор-ўчар қилгани, – сўраймиз онахондан.

– Э-ҳе, бунақа нозик меҳмонларга хизмат қилишни ўзимдан бошқаси эплай олмайди. Ўғлимнинг дўстлари меҳмон бўлиб келишибдию, уларни кутишни бошқага топширамидим. Ҳали қувватим жойида, аллақачон саксондан ошган бўлсам ҳам, кўз тегмасин, ҳали юмушларимни ўзим бемалол уддалайман. Ёшларнинг ҳам ўзига яраша иш-ташвишлари етарли, уларга юк бўлиб нима қиламан...

Ҳайит ҳожи онани Термизда жуда кўпчилик танир экан. Кимнинг бирор маросими борми, бошига бирор ташвиш тушганми, ёки маслаҳатга муҳтожми, ҳожи она ҳаммасига ёрдамга тайёр. Маслаҳати, дуолари, бир оғиз ширин сўзи билан ўксик дилларга далда бўлади, диний маросимларни ўтказишга бош-қош, иши битмаганнинг жонига ора киради. Хулласи, маҳаллада, шаҳарда Ҳайит ҳожи онанинг ўз ўрни, ўз сўзи, ўз мартабаси бор.

Сухбат асносида Ҳайит ҳожи она ўғли Нормуроджоннинг фалокатга учраган кезларини кўзда ёш билан эслайди:

– Ўғлимнинг олис Наманганда автомобил фалокатига учраганини эшитиб, ўтиргани жой топа олмай қолдим. Кўзимдан уйқу қочди, емак-ичмакни унутдим. Ҳолати мураккаблиги учун олдида ҳеч кимни қўйишмаётган экан. Авария чоғида бош чаноғи иккига ажраб, мияси ташқарига чиқиб қолган экан. Дўхтирлар бунақа касалларнинг камдан-ками тузалади, деб юрагимни шувуллатади. Ўғилларимнинг телефонини интизор кутаман, ҳар бир янгиликни кўз ёшим билан кутиб оламан. Ўн беш фарзанд кўриб, шундан олтитасини тупроққа қўйганим учун дийдам қотиб кетган, деб ўйлаб юрарканман. Йўқ, онанинг кўз ёшлари ҳам, бардоши ҳам тугамас экан. Бир қанча вақт ҳарбий госпиталларда даволанди, кейин уйга олиб келдим. Икки кишининг етовида юра-

ди, гапирмайди, назаримда бизларни кўрмасди ҳам. Ана шундай мажруҳ танани беш йилча фақат ўзим парваришладим. Оғзига қошиқ билан таом соламан. Чойни ҳам ўзим ичираман. Терини артаман, ёстиғини тузатаман, оёқ-қўлини силайман. Сал уйқуга кетиши билан Худойимга ёлбораман: "Эй Аллоҳим, мана жон керак бўлса, меникини ол, фақат уни бағримдан олиб кетма! У дунёга келиб нимани кўрди? Эй Аллоҳим, олти фарзандимни олган эдинг, миқ этмаганман, энди бунисининг умрини бер! Эй Аллоҳим, шу боламни қайтариб бер, умрим охиригича Сенга шукрона айтиб ўтай!" Аллоҳим илтижоимни, дуоларимни ижобат этди, ўғлим яшаб кетди. Ногирон бўлиб қолган эса-да, аммо у тирик! Кўзимни қувнатиб, дилимни яшнатиб юрибди олдимда! Аллоҳимга шукр, беҳисоб шукр, ўғилгинамни қайтариб берганига шукр!

Онахоннинг Парвардигорга тинимсиз, ҳисобсиз шукрона айтишининг ўзига хос сабаблари бор. Раҳматли эри Оқмурод ҳожи (у киши чорак асрча олдин вафот этган) билан тотув, аҳил яшаб, ўн беш фарзанд кўришди. Шулардан ҳозир тўққиз нафари ҳаёт. Эр-хотин фарзандларнинг барини ўқитишди ё хунарли қилишди, элга қўшишди, бутун меҳрини, қалб кўрини уларга бағишлашди. Фарзандларнинг бари ўқимишли, эл-юрт корига яраган кишилар. Бир фарзанди, фан доктори, профессор, Москвада хизмат қилади. Яна бири муҳандис, яна бири шифокор, бошқаси ҳарбий хизматчи, ўғилларидан бири Россияда катта заргарлик дўконининг директори, бошқаси муаллим... Набиралари, абиралари ҳам катталар изидан бориб илм олишга, касб эгаллашга интилишадими...

Сафаримиз қариб, Ҳайит ҳожи она билан қизғин хайрлашдик. Ҳожи она бизни ва ўғлини кузатар экан, Аллоҳдан барчамизга мустаҳкам имон, сиҳат-саломатлик, икки дунё саодатини тилаб, дуои хайрлар қилди. Ўғлининг пешонасидан ўпиб хайрлашар экан, "Узоқиб кетмай, янаги ҳафта яна бир келарсан?!" деб ваъдасини олди. Ҳарбийларга хос тарзда унча-мунчага ҳиссиётга берилмайдиган Нормурод командирнинг рўмолча ахтариб, кўз ёшларини пинҳона артаётганини кўриб қолдим...

Термизнинг Фурқат кўчасида ўз меҳри, бардоши ва матонати билан барча оналарга ибрат бўлаётган, фидойилиги, эл хизматида камарбасталиги билан ҳамманинг ҳурмати қозонган ажойиб онахон, Сурхон онаси истиқомат қилади. Азизлар, унинг ҳузурига боринглар, ҳикмат ва насиҳат тўла суҳбатидан баҳраманд бўлинглар, фарзандлари учун молию жонини нисор қилувчи бу онаизордан ибрат олинглар. Фарзандларингиз, ҳамшаҳарларингиз бахтига яна узоқ йиллар уларнинг дуоғўйи бўлиб юриш сизга насиб этсин, эй Сурхон онаси!

Аҳмад МУҲАММАД,

Тошкент – Сарийосиё – Термиз – Тошкент.

НИШОНГА ТЕГМАГАН МАЛОМАТ ТОШЛАРИ

Яқинда асосан зиёлилар, жамиятнинг фикрловчи қатлами вакиллари тўпланган даврада нохуш бир манзаранинг гувоҳи бўлдим. Давранинг тўрида ўтирган сочлари оппоқ, салобатли, кўринишидан “катта олимлиги” яққол билиниб турган бир киши негадир масжидларнинг имомларига қарши даҳанаки “жанг” бошлаб юбордилар. Эмиш-ки, ҳозирги имомларнинг аксарияти замонавий илмлардан “ғирт” беҳабар эмиш, уларнинг кўпи ҳатто компьютерга яқинлашишга қўрқармиш, боз устига улар замонавий илм билан шуғулланувчиларни назар-писанд қилмас эмиш ва ҳоказо ва ҳоказо. Нотиқ ўз фикрларини даврадагиларга сингдиришда жуда жўшиб кетди шекилли, имомларнинг шахсиятига ҳам бир кўр маломат тошлари отиб кўрди: уларнинг ҳар маросимдан қанча пул олишию, каттароқ “чўзмаган” жойга бор-маслиги, шундоқ замонда чопон кийишию салла ўрашигача бўлган “нуқсонлари”ни чайнашдан эринмади... Унинг даъволари даврадагилардан бир-икки кишига ёқиб тушдими, ҳарқалай, у ер-бу ердан нотиқни қўллаган овозлар ҳам эшитилиб қолди...

Кўнгилга оғир ботувчи бу воқеа фақат бир мартагина содир бўлганида, эҳтимол, бу ҳақда ёзиб, нуқтадон ўқувчиларнинг қимматли вақтларини олиб ўтирмаган бўлар эдик. Аммо кейинги пайтларда масжид имомлари, қолаверса уламолар ва дин ходимлари шаънига айтилаган аччиқ-тизиқ, ҳатто масхара-омуз гапларнинг хийла кўпайгани кўз юмиб бўлмас ҳақиқатдир. Бордию бундай гапларни содда, оми кишилар гапирганида “Ҳа энди, узоқ йиллик даҳрий тузум замони-

да “Муштум” журналида эшон ва муллаларни қоринни катта қилиб, бошида қозондек саллаю кўлида тасбеҳ билан тасвирлашавергани буларнинг қон-қонига сингиб кетган-да, энди бу сохта тасаввурдан кутулиш қийин кечаётгандир-да”, деб ўзимизни овутган бўлардик. Аммо, минг таассуфки, масжид ходимлари, диний уламолар шаънига энг “залворли” тухмат ва бўҳтонларни кўп ҳолларда жамиятнинг онгли қатлами, ақлли-хушли зиёлилар, олимларнинг чаплаётгани бу мавзуга жиддийроқ қараш, уларга асл ҳақиқатни бироз англа-тиш, бу ҳақда тушунча бериш заруратини юзага келтиради.

Бошларига тинмай тухмат ва маломат тошлари ёғдирилаётган имомлар ва диний олимлар аслида кимлар? Улар Ойдан ёки бошқа бирор олис юртдан келиб қолишганми ёки орамизда туғилиб, орамизда яшаб, сизу бизларга ихлос билан хизмат қилаётган тўлақонли жамият аъзоларими? Улар шаънига қилинаётган хуружларда бироз бўлса-да асос борми?

“Имом” сўзи луғатда “олдинда турувчи, пешво, раҳбар” маъноларини билдиради. Масжидда ҳамманинг олдида туриб, намозларини ўқиб берувчи мусулмонлар жамоасининг бошлиғи ва ғоявий раҳбари “имом” дейилади. Ўтмишда Ислом давлати халифаларини ҳам имом деб аташган. Илм ва тафаккур бобида юксак мақомга эришган салоҳиятли алломалар, мазҳаббошилар, муҳаддисларга ҳам «имом» унвони берилган, масалан: Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Аъзам, Имом Ғаззолий каби.

Яқинда Россия мусулмонлари раҳбари Равил Ғайнуддиннинг “Ис-

лам в России” (“Россияда Ислом”) китобида қизиқ маълумотларни ўқиб қолдим. Унинг ёзишича, октябр инқилобидан олдин ҳар бир маҳалла ёки қишлоқ имоми ўша жой аҳлининг тўлақонли диний ва ижтимоий раҳбари, ҳақиқий маслаҳатгўйи, ҳамма ишда пешвоси бўлган экан. Уларнинг иши фақат диний маросимларни ўтказиш билангина чекланиб қолмаган. Одамлар оиласида жанжал-можаро чиқса ҳам, рўзғорда қийналиб қолишса ҳам, фарзандини тарбиялаб-йўлга соломласа ҳам, экинчи ҳосил бермаса ҳам, кудуғи куриб қолса ҳам, моли йўқолса ҳам, ҳатто самовори тешилиб қолса ҳам энг аввало имомга мурожаат қилар, ундан тегишли ёрдам ёки молиявий кўмак ёхуд фойдали маслаҳат, ҳеч бўлмаганда руҳий тасалли олар экан.

Бу ишлар-ку мусулмон аҳолиси озчилик бўлган империя ўлкасига хос, тегишли бўлган. Бизнинг юртларда маҳалла ёки қишлоқ имомларининг вазифалари бундан-да кўп ва кенг қамровли бўлган. Масжид имомлари мусулмонларнинг ибодатларини адо этишларида раҳнамолик қилишади, жамоатга намоз ўқиб беришади, диний арконларни ва фикҳий масалаларни тушунтириб беришади, янги пайдо бўлган диний муаммолар ечимини топишади, оилавий можароларга аралашиб, жанжаллашган ва аразлашганларни яраштиришади, янги оила қураётган келин-куёвларнинг ёки ўртасига талоқ тушган эр-хотиннинг никоҳини ўқишади, вафот этганларнинг дафн маросими ва жанозасини ўтказишда бош-қош бўлишади, катталар ва ёшларга диний таълим беришади, янги туғилган чақалоқларнинг

қулоғига азон чакириб, танглайини кўтаришади, ақиқасини ўтказишда қатнашишади, болаларни тарбиялашда маслаҳат беришади. Хулласи, имомлар барча диний маросимлар ва кўпгина миллий урф-одатларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ишларига раҳбарлик қилишади. Бирор мусулмон хонадони ёки оиласи йўқки, у имомнинг хизматига, ҳеч йўқ унинг маслаҳати ёки тавсиясига муҳтож бўлмасин!

Имомларнинг бурч ва вазифалари фақат булар билан чекланмайдди. Улар мусулмонларнинг талаб ва эҳтиёжларини, истак-хоҳишларини ҳукуматга, маҳаллий раҳбарларга етказишади. Ўз навбатида уларнинг тавсия ва фармойишларини мусулмонларга, халққа тушунтириб, тарғиб қилишади. Имомлар ва диний ходимларнинг булардан ҳам бошқа жуда кўп юмш ва хизматлари бор.

Энди улар шаънига асосиз ёпиштирилаётган маломат ва тўхматларни бирма-бир кўриб чиқайлик. Кўпинча имомлар ва диний ходимларни фақат “эскича”ни ўрганиб, замонавий илмлардан беҳабар қолганликда айблашади. Бу айбловларга фақат бир жиҳатдан қўшилса бўлар... “Беш бармоқ баробар эмас” ёки “шоли ичида курмаги ҳам бўлади” дейишади. Бошқа соҳаларда бўлгани каби имомлар ичида ҳам илми саёзлари ёки замонадан ортда қолаётганлари битта-яримта учраб қолар?!

Аммо мустақилликдан кейин имомларнинг илмий, ғоявий ва назарий савиялари кескин ошди. Уларнинг аксарияти Тошкент Олий Ислом институти (маъҳади) ва Тошкент Ислом университетини битириб, олий диний маълумот олган. Қолганлари мамлакатдаги ўрта ўрта махсус ислом билим юртининг (мадрасаларнинг) битирувчиларидир. Бундан ташқари, уларнинг кўпчилиги бошқа соҳаларга ихтисослашган олий ўқув юртларини ҳам тугаллашган. Маълумот учун эслатиб қўяй: барча олий ва ўрта махсус билиб юртларида диний илмлардан ташқари иқтисод, компютер таълими, тарих, адабиёт,

жуғрофия, физика каби замонавий фанлар ва чет тиллари ўқитилади. Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро марказида имомлар малакаси мунтазам ошириб бориляпти. Имомлар орасида фан номзодлари ҳам анча-мунча (масалан, Тошкентдаги Жўрабек масжиди имом хатиби Раҳматулла қори Обидов тарих фанлари номзодидир). Ёки Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори Турсунов филология фани бўйича етук мутахассис. Бир имомимиз электрон сайтлар учун ёзган мақолалари билан республика танловида ғолиб чиқиб, “Олтин қалам” соҳиби бўлди. “Ислом.уз” интернет портали таркибидаги “Сийрат.уз”, “Фикҳ.уз”, “Қуръон.уз” каби бир неча сайтларни асосан имомлар ёки дин ходимлари бошқаришади. Тошкентдаги Хожа Аламбардор жомеъ масжиди қошида алоҳида интернет сайт мунтазам ишлаб турибди, ундаги мақола ва хабарлар долзарблилиги, ҳозиржавоблилиги ва савияси жиҳатидан унча-мунча сайтлардан олдинда. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Яна масаланинг бошқа томони ҳам бор. Имомларга “саводсиз”, “ҳозирги илмлардан беҳабар” каби тумтароқ ёрлиқларни ёпиштираётган зиёлилар ва “катта олимлар” улар билан илмий суҳбат қуришга, уларнинг билим савиясини аниқлаб кўришга, улар ёзган китоблар билан танишишга, минглаб намозхонларга (улар ичида турли соҳа олимлари ва турли касбдаги зиёлилар кўпчилиги) манзур ва маъқул тушаётган диний суҳбатларини тинглашга вақт ёки имкон топа олишганимикин? Биргина Тошкент шаҳри масжидларида имомлик қилаётган Салоҳиддин Шарипов, Одилхон қори Исмоилов, Раҳматуллоҳ Сайфиддинов, Мухаммадзуфар Аҳмаджонов ва бошқаларнинг илмий-диний суҳбатлари ва маърузалари унча-мунча олимларни қойил қолдириши шубҳасиз.

Ана шулар каби “саводсиз ёки чаласавод” имомлар Қуръон тафсири, Суннат ва ҳадис, дин тарихи, Ислом фикҳи (ҳуқуқшунослиги) каби диний илмлардан ташқари,

замонавий илмлардан тиббиёт, наботот (ботаника), ҳайвонот (зоология), фалакиёт илми (астрономия), ҳомилашунослик (эмбриология), руҳшунослик (психология), иқтисод ва зироат (деҳқончилик) соҳаларида шунчалик кенг ва чуқур билим-тушунчаларга эгаки, улар бутун умрини ана шу илмлардан бирортасини тадқиқ қилишга бағишлаган соҳа мутахассислари билан бемалол тортиша олишади. Масалага чуқурроқ кириб борадиган бўлсак, бу “саводи йўқ” имомлар ўз билимлари ва салоҳиятлари билан минг-минглаб одамларнинг дунёси ва охирати-га фойда келтираётган, уларни тўғри йўлга чорлаётган, хатоларини кўрсатиб бериб, қиёматдаги жазодан қутулишларига ёрдам кўрсатаётгани ҳолда машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, “сера кислотасининг бўри тишига таъсири” каби “ўта муҳим” мавзуларда тадқиқот олиб борган ва ўзини етук олим санаб, имомлар ва диний илм вакиллари-га бурун жийираётган “олимча”ларнинг ўзлари инсониятга, халққа, жамиятга нечоғли фойда келтиришаётган экан?!

Диний ходимларнинг иззатнафсига тегаётган яна бир маломат ҳам худди юқоридагиси каби қумдан ясалган қаср каби мўрт ва асоссиз. Муаллим ёки қурувчи бўладими, муҳандис ёки шифокорми, чорвадор ёки деҳқон бўладими, хизматчи ёки ҳуқуқшуносли, барча касб эгалари ҳам келажакда оиласини боқиш, ҳамма каби ҳаёт кечириш, фарзандларига тарбия ва билим бериш каби юмушларни маблағ билан таъминлаш пайдан бўлади. Бунинг учун мактаб ва олий ўқув юртларида таҳсил олади, касб-хунар ўрганади, малакасини оширади ва ҳоказо. Улар каби имом ҳам келажакда халқимга, диндошларимга, ватанимга хизмат қилай деб болаликданоқ илм олиш пайдан бўлади. Беш-олти йил Қуръони каримни тўла ёки бир қисmini ёд олади, ҳадис илмидан сабоқ олади, фикҳ, Ислом асослари ва тарихи каби диний илмларни ҳам бир неча йил мобайнида эринмай ўрганади.

Унинг таҳсили булар билан тугамайди, у яна савдо-сотиқ (байъ), мерос, никоҳ ва талоқ, ғудакни эмизиш, иқтисод, закот каби жамият учун зарур бўлган кўплаб масалаларни ҳам яхши билиши зарур. Ана шунча илмларни эгаллаб, етук имом бўлиш учун бир йигит камида йигирма-йигирма беш йил таълим олиши керак.

Шунча вақти ва кучини, маблағи ва ҳаракатларини сарфлаб имом бўлиб етишган киши энди шу иш ортидан тирикчилигини ўтказиши, оиласининг нафақасини таъминлаши керак. Муаллим дарс бериб, шифокор беморни даволаб, қурувчи иморат тиклаб пул топгани каби имом ҳам, истаймизми-йўқми, мусулмонларнинг никоҳ, талоқ, жаноза, дафн, хатми Қуръон каби ибодат ва маросимларига бош-қош бўлиш ва уларни ўтказиш йўли билан пул топади. Уй қураётганда уста ишлатсангиз, пешона тери қуримай туриб ҳақини тўла берасиз. Шифохонада даволансангиз ҳақини бермай бир кун ҳам у ерда қола олмасиз. Хулласи, “текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди” дегандай, ҳеч ким бирор хизматини пул олмасдан бажариб бермайди. Унда нега ҳамма касб соҳиби қилган ишига пул олса бўладию, имом хизматида ҳақ олса, ғавғо кўтарилади? У “текинхўр”дан олиб, “очкўз”га солинади, пул дардида елиб-югуради, дея айбланади? Унинг минган машинаси зарбулмасалга айланади? Нима, бошқалар машина минмаяптими? Бир олимимиз куйинганларидай, “имом машинали бўлса, маросимларингизга кечикмайроқ боради, кўпроқ одамга хизмат қилишга улгуради-ку, ахир!”.

Оддийгина никоҳ маросимини олиб кўринг. Имомнинг никоҳ ақдини боғлаши, яъни келин-куёвнинг никоҳини ўқиши билан бир ҳаром иш ҳалолга айланади. Яъни, қиз ва йигит никоҳсиз қўшилса, уларнинг бу қўшилувчи зино бўлади, зинокорлик Ислом шариатида тақиқланган энг оғир гуноҳлардан саналади. Зинодан бола туғилса, у “валади зино” бўлади, унинг гувоҳлиги ҳам ўтмайди. Имом никоҳ ўқиб, шаръий, ҳалол оила қурилишига асос солган бўлсаю,

унга хизмати учун берилган беш-ўн сўм пул унда нега кўпчиликнинг уйқусини қочирмоқда, ғашига тегмоқда?

Энг аянчлиси, тўйга сарфланган катта маблағлар, солинган беками-кўст дастурхонлар, ёшларга қилинган сарполару мебел-жиҳозлар, келинга юборилган лимузинлару машҳур ашуланинг яллалари икки ёшни мутлақо бахтли қила олмайди. Келин-куёв шаръий никоҳ ўқитганларидан кейингина ҳақиқий, исломий, шаръий оила қурган бўлишади ва шундагина чинакам бахтли, саодатли бўла олишади. Баъзи ота-оналар тўйга қанчалаб маблағни сочишади, бешолти ашула айтиб кетган яллагига тахлам-тахлам пул қистиришади, аммо имомнинг никоҳ ўқигани учун уч-тўрт минг сўм пул олгани уларнинг қорнини оғритади, малол келади. Кўзларига ана шу пулгина кўринади. Агар имом никоҳ ўқимаганида фарзандларининг никоҳ кечасидаги қўшилуви кўчада учрашиб, хилватда жинсий алоқа қилган икки зинокорнинг иши билан бир хил бўлиши мумкинлиги ҳақида улар ўйлаб ҳам кўришмайди. Дафн ва жаноза борасида ҳам худди шу фикрларни қайтариш мумкин.

Имомнинг кийиниши ҳақидаги гап-сўзлар ҳам худди юқоридаги каби ҳеч қайси қуёшқонга сиғмайди. Уларнинг ибодат, диний маросим ҳамда байрамлар чоғида узун тўн кийиб, салла ўрашлари имомларнинг “кўнгилхуши” ёки “сатанглиги” эмас, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатлари, яъни имомларга кўрсатмаларидир. У зот ҳам жамоат намозига имомлик қилсалар, аксари ҳолларда узун тўн кийиб, бошларига салла ўраганлар. Бундай диний кийимлар бошқа дин ва таълимотлар, масалан, яҳудийликда ҳам, насронийликда ҳам, буддавийликда ҳам жорий қилинган. Демак, бу борада ҳам имомларга тақалаётган айбномаларда заррача асос йўқлиги очик кўриниб турибди.

Хулласи, шунақа гаплар. Мен имомларни хато ва ёмон ишлардан мутлақо холи, маъсум деб таърифламоқчи эмасман. Барча

касб соҳибларидаги каби уларда ҳам хато-камчиликлар етарли. Аммо бу нарсаси имомларни ёппасига ёмонотлиқ қилиш, уларга йўқ ердаги айбларни тақаш, бе-малол маломат тошларини отиш ҳуқуқини бермайди. Бир тоифани бирор хатода айблаш учун киши ўзига “мен-чи, мен бундай хатога йўл қўймайманми, муҳолифимни айблашга ҳақлиманми?” деган саволни ҳам бериб кўриш керак. Бир-икки шифокорнинг порахўрлиги учун барча тиббиёт ходимларини айбламаймиз-ку! Ёки бир муҳандиснинг ишдаги хатолари учун барча муҳандисларни ёппасига хатокор, саводсизга чиқармаймиз-ку! Шунинг учун ушбу ёзувлар орқали айрим оғзига кучи етмайдиган, бўлар-бўлмасга тилига эрк бериб, бегуноҳ кишиларга тўхмат ва маломат тошларини отувчиларга нишонни сал тўғрироқ олишни маслаҳат бермоқчи бўлдик. Ҳар ишда инсоф, адолат ва меъёр бўлгани яхши-да!

P.S. Мақоламизга худди шу ерда нуқта қўймоқчи эдик. Бироқ бир ҳамкасбимиз мавзуйимизга оид юқоридагилардан ҳам нохушроқ воқеани айтиб қолди. Бир таниқли шифокор опамиз қайсидир имомнинг қилмишларидан шунчалик қаттиқ хафа бўптиларки, ўз динларидан чиқиб, Москвага боришга, нақ православ диний академиясида насронийликни қабул қилишга бел боғлаб қолибдилар. Хайриятки, бир неча аҳли илмларнинг тушунтиришлари кор қилиб, опахонимиз бу қалтис ниятларидан қайтибдилар. Сўзимизни опахон кабиларга бирикки савол бериш билан якунлаш ўринлига ўхшади: бир имомнинг қилмиши учун нега бутун Ислом динини айбдор қилиш керак? Бу носоз кўчада аварияга учраган ҳайдовчининг барча йўлсозларни ва ЙХХХ (ДАН) ходимларини бараварига айбдор қилганига ўхшамайдими? Сизлар нима дейсизлар, муҳтарам журналхонлар?

Беҳзод АБДУРРАШИД.

«УММАТИМНИНГ КЎПЛИГИ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН»

БУГУН ДУНЁДА ҚАНЧА МУСУЛМОН БОР?

Ҳозирги пайтда дунёда ҳар беш кишининг бири Ислом динига эътиқод қилади. Кейинги ярим аср мобайнида сайёрамизнинг мусулмон аҳолиси 235 фоизга кўпайди ва ҳозирги пайтда 1,6 миллиард кишига етди. Йигирманчи асрда Франция, Буюк Британия ва АҚШ каби мамлакатларда Ислом дини эътиқод қилувчилар сонига кўра иккинчи асосий динга айланди.

Дунёдаги энг кўп сонли мусулмон мамлакатлари сифидан қуйидаги мамлакатлар жой олган: ҳозирги пайтда Индонезияда 182,2 миллион,

Покистонда – 146,9 миллион, Бангладешда – 116,0 миллион, Ҳиндистонда салкам 110 миллион мусулмон бор. Бундан кейинги ўринларни қуйидаги мамлакатлар эгаллашган: Эронда – 63,9 миллион, Туркияда – 61,0, Мисрда – 51,6, Нигерияда – 40,2, Жазоирда – 29,1, Хитойда – 29,1 миллион (бу мамлакатнинг 2, 4 фоиз аҳолисига тенг); Ироқда – 21,4, Суданда – 20,4 миллион мусулмон истиқомат қилади. Эфиопия, Афғонистон, Яман, Саудия Арабистони, Ўзбекистон, Малайзия каби мамлакатларнинг мусулмон аҳолиси 11-19 миллион кишини ташкил этади.

Мали, Тунис, Сомали, Сенегал, Нигер, Қозоғистон, Гвинея, Озарбойжон, Кот-д'Ивуар, Ливия, Тожикистон ва Буркина Фасода 5-10 миллион атрофида, Урдун, Сурия, Камерун, Туркменистонда

3-5 миллиондан мусулмон бор. Гана, Қирғизистон, Фаластин, Мавритания, Мозамбик, Сиерра-Леоне каби мамлакатларда эса икки билан уч миллион ўртасида мусулмон аҳоли яшайди. Сербия, БАА, Ливан, Уммон, Малави, Танзания, Албания, Болгария, Бруней ва Қувайт каби ўлкаларнинг мусулмон аҳолиси бир миллиондан икки миллионгача кишини ташкил этади. Бошқа мамлакатларда Ислом динига эътиқод қилувчилар сони бир миллионга етмайди.

1880 йилда дунё аҳолисининг бор-йўғи 13,7 фоизи мусулмон эди. Йигирманчи асрнинг 80-йилларига келиб, бу кўрсаткич 16,9 фоизга, минг йилликнинг охирига келиб эса, тахминан 21 фоизга етди («XXI асрда Ислом» китоби, 13-бет). Ҳозир ер юзида олтмишга яқин мусулмон давлати бор. Ғайримуслим ўлкаларнинг кўпиди эса мусулмонлар сон жиҳатидан ҳукмрон дин вакилларида кейинги ўринга чиқиб олишди. Жаҳондаги

мусулмонлар сони бир ярим миллиард кишидан ошиб кетди ва бу куррамиз аҳолисининг тўртдан бир қисмига тенг.

Буюк Британиялик тадқиқотчи Самюэл Хантингтон «Ҳазоралар тўқнашуви» номли машҳур рисоласида дунёда насронийларнинг сони камайиб бораётгани ва 2025 йилга бориб, улар дунё аҳолисининг тахминан чорак қисмини ташкил этиши ҳақидаги маълумотни келтирган эди. Ўша вақтга бориб, мусулмонларнинг сони дунё аҳолисининг 30 фоизини ташкил этар экан (Samuel Hantington, The Clash of Civilizations, London, 1997).

Рус олими Борис Урланис ёзади: «Траян императорлиги даврида (милоднинг иккинчи асри) Римда 2 миллионга яқин, Константин даврида (4-аср) 300 мингга яқин, Рим қулаши пайтида (5-аср) 100 минг одам бўлган. Шарқий Оврупа руҳий таҳлил институти ректори Михаил Решетников бундай ёзади: «Бугун жаҳон аҳолисининг бор-йўғи

21 фоизини «оврупаликлар» дейиш мумкин. Улар сони тинмай камайиб боряпти. Демографлар тахминича, йигирма биринчи асрда нисбат шиддат билан ўзгаради. Аср охирига бориб «оврупаликлар» 10-15 фоиздан ошмайди».

Келажакни тадқиқ қилиш Халқаро академияси президенти Игор Бестужев-Лада дейдики: «Ҳозирги сивилизатсия захираси йигирма йилга етади, холос». Бир инглиз файласуфи 1950 йилдаёқ бундай ёзган эди: «Оқ танли одам ҳукмронлиги даври тугади».

Тадқиқотчи Михаил Тульский интернет сайти орқали тарқатган «Ислам в не исламском мире» номли мақоласида қуйидаги рақамларни келтиради: «Диний статистика бўйича африқолик йирик мутахассис Дэвид Барретнинг маълумотларига кўра, «1900 йилда АҚШда 10 минг, 1970 йилда 800 минг мусулмон яшаган бўлса, 2000 йилга келиб, бу рақам 4,1 миллион кишига етди». Шимолий Америка Ислом жамияти (ШАИЖ) маълумотларига кўра эса, Америка Қўшма Штатларида 2000 йили 7 миллион мусулмон бўлган».

Оврўпа мусулмонлари диний раҳнамоси Ториқ Рамазоннинг «Хантингтонга жавобимиз» мақоласидан қуйидаги далиллар ўрин олган: «Ҳозирги пайтда Оврўпада турли манбаларга кўра 15 дан 24 миллионгача мусулмон истиқомат тутган. Бунга Волгабўйи ёки

Кавказ, Болқон ярим оролида минг йиллардан буён Ислом динида бўлган этник мусулмонлар кирмайди. Гап мутлақо Ғарбий Оврўпа ҳақида кетяпти. Энг катта мусулмон жамоаси Франсияда яшайди. Бу ерда мамлакат аҳолисининг ўн фоизи – 5,8 миллион киши мусулмондир. Айрим таҳлилчилар яқин келажакда Франсия Оврўпадаги биринчи мусулмон мамлакати бўлишини башорат қилишмоқда. Франсияда машҳур черковлар ёнида муҳташам масжидлар қад кўтармоқда. Мамлакат мусулмонларининг каттагина қисмини Африқодан келган муҳожирлар ташкил этса-да, фаранг миллатига мансуб мусулмонлар сони ҳам тобора кўпайиб боряпти. Қуръони каримни милодий ўн олтинчи асрдаёқ фаранг тилига таржима қилингани, машҳур император Наполеон Бонапарт вафот этганида ёстиғи остидан Аллоҳнинг Китоби чиққани, Луис де Ламартин, Роже Гароди, Бенонист Али, Виктор Гюго, капитан Кусто, Морис Бокай каби машҳур кишиларнинг Исломни бошқа динлардан устун кўришгани ҳақ динимизнинг Франсиядаги мавқе-мақомига далолатдир.

Оврўпадаги яна бир етакчи мамлакат Буюк Британияда ҳам мусулмонлар сони тобора ортиб боряпти. Бу ерда кўплаб исломий ташкилотлар қатори Ислом тадқиқот маркази ишлаб турибди. Уни барпо этиш учун Британия ҳукумати ер майдони

ва ярим миллион фунт стерлинг маблағ ажратган. Бу эса мамлакатнинг уч миллионли мусулмон аҳолисига қувонч бағишлади. Олмония (4,1 миллион), Италия (4 миллион), Украина (2 миллион), Холландия (1 миллион) кабилар ҳам мусулмонлар нуфуси тобора кўпайиб бораётган мамлакатлар қаторига киради».

Сўнгги маълумотларга кўра, Русияда 20 миллион мусулмон бор (бу рақамни давлат бошлиғи В. Путин расман эълон қилган). Баъзи манбалар бошқача маълумотларни ҳам келтиришади. ВВСнинг 1999 йилги маълумотларига кўра, Россияда 26 миллион мусулмон яшайди. АҚШ Марказий Разведка Бошқармасининг 2004 йил 11 майдаги ахборотига кўра ҳам ноқонуний муҳожирларни қўшиб ҳисоблаганда 26 миллион мусулмон бор. Москва ва Санкт-Петербург аҳолисининг ўн фоизини мусулмонлар ташкил этади. Бу рақамлар ортида азалдан мусулмон бўлиб келган этник халқларгина эмас, кейинги йилларда Исломга кираётган кўплаб ўрислар ҳам бор.

(«Britanika» энциклопедияси, Интернетнинг Islam Online, Islam. Ru Инфо.Ислом.уз сайтлари материаллари ва Тимоти Уинтернинг «XX1 асрда Ислом» китоби асосида тайёрланди).

ЭНГ АЧЧИҚ НЕЪМАТ

(ФАЛСАФИЙ ҚИССАДАН БОБЛАР)

МУШТИПАРНИНГ ЎЛИМИ

Ғам-андух сочларини барвақт оқартирган, қаримсиқ, серажин юзли бу аёл ён кўчада турадиган фан дўхтири Мансуровнинг хотини Саломатхон. Бировнинг кўзига тик қаролмайдиган, ёш болани ҳам сизлайдиган оқила ва соддагина аёл у.

Авал ҳусндор, кўркам жувон бўлган Саломатхоннинг ҳозир турмуш машаққатларидан хунуклашиб, шафқат уйғотадиган даражага борган чехрасини кўрган киши уни юпатишга, тасалли беришга ёки бирор мадад кўрсатишга ожизланиб қолади. Ёноқлари туртиб чиққан, кўзлари ичга кириб кетган, сочда қорасидан оқи кўп. Юзига ҳасрат тўр солган, афтодаҳол. Қўлидаги сочиққа икки та суви қочган нон, устига бир ҳовуч туршак ва печакқанд солиб, Ризвон холани кўргани чиқибди. Рўмолининг икки учини тишлаб олган. Нимадир демоқчи. Аммо сўз очишга ботинмай турибди. Холанинг назарида эр-хотин иноқ, аҳил яшарди. Хотиннинг олим эрига муҳаббатю садоқати маҳалла аёллари ўртасида зарбулмасал бўлиб кетган эди. Кейин бирдан аёл хасталаниб ётиб қолди, деб эшитди. Кўчага ҳам чиқмай, маҳаллага аралашмай қўйди. Ризвон хола ундан-бундан аёлнинг аҳволини суриштирар, профессор эри нега уни тузукроқ дўхтирларга қаратмаётганидан таажубга тушар эди.

Ҳозир ўша аёл рўпарасида ўтирибди. Ҳасрат тўла кўзларини холага тикиб турибди. Ризвон хола унга хижолатомуз боқади, бирор сўз айтишини кутади, аммо аёл ўзи ёпинган рўмолининг учини тишлаганича лом-мим демайди. Кейин бирдан ўзига келиб, гўё юрак қатларида бекиниб ётган ҳасрат-армонларини қўшниси билан баҳам кўрмоқчидай унга мўлтираб қарайди. Хола унинг алам тўла нигоҳидан эзилиб, кўзи жимиралиб кетса ҳам, сир бой бермади. Аёл бирпас сукутда тургач, худди кўрпа остидан келаётгандай бўғиқ овозда гап бошлади:

– Холажон, бу аёл нега ҳаётда бунча эзилган, деб ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

– Йўқ, қизим. Чунки ҳаммамиз ҳам бу фоний дунёда вақтинча қўноқмиз. Биров эрта, биров кечроқ, ҳамма келиб-кетаверади. Кимнинг қандай яшагани эса фақат Яратганга аён.

– Тўғри-куя, лекин менинг умримга чексиз ҳақсизлик, туганмас армон заволи бўлганини ҳам

сезмаганмисиз?

– Назаримда эр-хотин тотув яшардинлар, шекилли. Бирор марта жанжал чиққанини эшитмаган эдик...

– Бизнинг, хусусан, менинг бебахтлигим ҳам, аянчли қисматим ҳам шунда эди. Дарё ташидан жуда сокин оқса ҳам, унинг тубида нелар кечаётгани инсон кўзидан панада қолаётганидай, бизнинг оиладаги сир-асрор ҳам ёлғиз эр-хотинга аён. У киши улуг олим эдилар. Обрулари тўкилмасин, эл назаридан қолмасинлар, деб аламларни, заҳар-заққумларни ичга ютганман. Юракларим зардобга тўлса ҳам, тунлари уйқусиз қоврилиб чиқсам ҳам, барига чидадим, ташимга чиқармадим.

– Биз – аёлларнинг бардоши, эрга вафоси ҳар қанча эҳтиромга лойиқ.

– Энди бундан кимга фойда? Умримни хазон, боримни тўзонга совуриб топганим, ҳозирда интизор кутаётганим мана шу армонли ўлим бўляпти. Минг қатла шукрим, Аллоҳ менга шафқат қилди, тузалмас дард берди, чексиз азоблардан тезроқ халос қилмоқчи...

– Қанақа азоб? Домла сизни урмасдилар, сўкмасдилар, шекилли...

– Ҳа, минг афсуски, шундай! Сиру синоатларни ҳеч ким билолмай қоляпти – ҳаммасини ўзим билан қабрга олиб кетсам керак, деб ўйлардим. Ҳозир барини сизга очгим келиб қолди. Армон билан жон таслим қилиш қийин экан. Энди ортиқ бардошим қолмади... Бўлган воқеаларни, юрагимни қиймалаётган ҳасратларимни кимларгадир очмасам, қабримда тинч ётолмайман-ку!

Хола аёлнинг сўлғин чехрасига синчков назар ташларкан, бирор маъно уқолмади. Аксинча, унинг андух тўла кўзларини, оппоқ оқариб кетган сочларини, ажинлар беўхшов қилиб ташлаган юзини кўриб юраги сиқилди. Ҳозир унга тасалли бериш, бир оғиз ширин сўз билан кўнглини кўтариш, дардига малҳам бўлиш нақадар мушкул эканини ўзи ҳам ҳис этиб турарди. Ичидан хўрсиниқ аралаш "Во дариғ", деган хитоб отилиб чиқди, холос. Оғриқли сукут ичра яна бадбахт аёлнинг оғзига тикилди:

– Хабарингиз бор, шу маҳаллага келин бўлиб тушганимда ўн саккиз яшар қиз эдим. Олий маълумотли, чиройли йигитга турмушга чиққанимдан бошим осмонда эди. Қўлим олти, оёғим етти

бўлиб елиб-югурардим, қайнонамнинг қўлига сув, орқасига ёстиқ кўтариб чопардим.

– Яхши эслаيمان, қизим, қайнонанг сенинг ҳақингда оғзидан бол томиб гапирарди, раҳматли.

– Кейин турмуш ўртоғим илмий иш қиламан, деб қолдилар. Ёлғиз бўлганлари учун қўллайдиганлари, суяйдиганлари йўқ эди. Кўплар қайтарди: олимликни бели бақувват, кармони семиз одам орзу қилади, деб. У киши кўнмадилар, «Шу талантим билан кўнжакларда қолиб кетаманми?!» деб қуйдилар. Фотиҳа бердик, топган-тутганларини белларига боғлаб, пойтахтга жўнадилар. Ўзим ҳомиладорман, кўн бўйи фабрикада ишлайман. Уйга келиб, ярим тўнғача дўппи тикаман. Топган-тутганимни саккиз жойидан тўғиб, у кишига юбораман. Анавинақа ёқлашга кўп пул кетади, деб эшитганман, тийинларни тежайман, қозондаги ёғдан бир қошиқ қайтараман. Ишонасизми, бир неча йил ямоқ қўйлақда юрдим. Ҳатто фарзандим туғилганида ҳам уч кундан кейин пул топишга тушиб кетдим. Шундай қилиб, тўрт йил деганда олим бўлиб қайтдилар.

Энди ҳаётимиз яхши бўлиб кетади, деб ўйладим. Йўқ, яна синовлар, изтироблар кутиб турган экан. Энди у киши дўхтирлик қиламан, деб қолдилар. Яна ҳаммаси бошидан бошланди. Ҳатто, учта боланинг қўлидагини, эгнидагини қизғанадиган бўлдим. Чўп бўлиб, этим устихонимга ёпишса ҳам, емадим, ичмадим. Топганимни жўнатаман, камини ҳар келганда ўзлари олиб кетадилар. Соғлигимдан ҳам, бахтимдан ҳам ажраб бўлганимда, кўзим очилди...

– Эсимда, ҳамма сенинг садоқатинггаю бардошинга таҳсин ўқиганди...

– Аммо шу садоқатингга бевафолик билан жавоб қайтса, ўзингни қайга уришни, додингни кимга айтишни билолмай қоларкансан.

– Эрингни жуда ақлли, одамгарчилиги бутун инсонлардан, деб юрардим. Гапингдан иш бошқача, шекилли?

– Эҳ, холажон, айтсам, тилим куяди, айтмасам дилим, дегани менинг ҳаётимга тўқилган. Одамнинг шаклу-шамойилига, гап-сўзига қараб, кимлигини билиш қийин экан. Йигирма йил турмуш қуриб, бутун боримни, вужудимни у кишига бахшида қилиб, топганим ҳақорат бўлди.

– Нега ўшанда ёрилмадинг, маҳалла-қўйни маслаҳатга чақирмадинг? Ахир кўплашиб орага оларди, тартибга чақирарди. Эҳтимол, ёрдамимиз тегарди...

– Эҳ, бу менга осон эдими?! У кишидан шикоят қилиш у ёқда турсин, гапларини қайтаришга, ҳатто кўзларига тик қарашга ботинолмасдим. У киши катта олим эди, мен эса саводсиз бир аёл. Кўпинча, ўзимни хотин эмас, хизматкордай тасаввур қилардим. Эҳтимол, шундай қилганим менинг хатоимдир, балки...

– Аёлларимизни дунёга танитган нарса ҳаё, андиша. Аммо бу ҳақсизлик олдида муте бўлгин, дегани эмас.

– Ҳозир бу гапларингиз ҳақ. Аммо ўшанда

ўрнимга ўзини қўйиб кўрган одам ҳам менинг йўлимни тутарди. Чунки бунинг сабаби бор эди. Айтиш қанчалик уятли бўлса ҳам, майли, гапирай. Мен у кишини жонимдан ҳам яхши кўрардим. Шундай яхши кўрардимки, гўёки томирларимга у кишининг қони қуйилгандай эди. Айрилиқдан сўнгги учрашувларимизда, ҳатто гапиргани ҳам қизғанардим, сўзсиз термулиб ўтираверардим. Бу мутелик эмасди, энди ўйлаб кўрсам, бу кучли муҳаббатга итларникидай содиқликнинг омихта бўлиб кетгани экан.

Шундай дея аёл ҳўнграб йиғлаб юборди. Хола уни юпатгиси, унга тасалли бергиси келди-ю, сўнг фикридан қайтди. “Майли, тўйиб-тўйиб йиғласин, изтиробларини, кўз ёшларини, туйғуларини жинловлагани, ҳибс қилгани етар. Ахир эри ана шу бекиёс бардошнинг қадрига етдими?” Аёл ўзининг ожизлигидан уялгандай кўз ёшларини шоша-пиша артди. Ризвон хола ўз сўради:

– Кечирасиз, жа тўлиқиб кетдим. Ҳаммасига чидадим-у, аммо ўша шум хабар... Бунинг маҳалла-қўйда ҳеч ким эшитмаган ҳам. У киши аллақачон ёшроқ, хушрўйроқ аёлни топган эканлар. Мен бутун ҳаётимни, чиройимни, ёшлик йилларимни, латофатимни, меҳримни – ҳаммасини у кишига тамоман топшириб бўлгач, энди ҳатто хотин бўлишга ҳам арзизмай қолган эканман. Сийқа чақадай беқадр бўлиб қолган эканман. Шунда мен бу ёруғ дунёдаги ҳаёт тамом бўлганига ишонч ҳосил қилдим. Уч кўнғача ўзим билан ўзим олишдим. Жонимга қасд қилай, десам, бир томондан гуноҳидан кўрқаман. Иккинчи томондан оламнинг қувончини татиганим йўқ-ку, кўрганим нуқул йўқчилик, азоб, заққум бўлди-ку! Кейин болаларимдан кўзим қиймади. Ҳеч нарсани билмагандай юраверай десам, юрагимнинг бардоши етмаслигини сездим. Хайриятки, Яратганнинг ўзи оғиримни енгил қиялпти, шекилли, санокли кўним қолганини сезиб турибман. Кейин барча азобларга чек қўйилади. Фақат бу гаплардан ҳамманинг беҳабар қолаётгани, ҳатто болаларимнинг ҳамон ана шу бемехр инсонни “ота” деб қақираётгани мени ўртади, холос...

Хола бу бебахт аёлнинг бошига шунча қўлфат ағдарилганини эшитмаганидан тамом лол қолган эди. Уни нима деб овутсин? Яраларига малҳам қўйишга арзигулик сўз топа оладими? Нега шунчалар азобларга гирифтор бўлиб ҳам, бировга шикоят қилмаган, ҳатто уйдагиларга ҳам эрини ёмонламаган? Бутун умрини, кучини эрининг камолига сарф қилгани, у мақсадига эришгач, хотинининг садоқатига тўфлаганига сабаб нима? Нега қисмат кимларгадир, ҳатто у разил одам бўлса ҳам, фақат бахтли кўнларни раво кўради-ю, айримлар қилган яхшиликлари эвазига фақат ёвузлик кўрадилар? Бу саволларга маҳнилироқ жавоб топмоққа, аёлни юпатмоққа кўпни кўрган, кўпни билган Ризвон хола ҳам ожизлик қилиб қолганини сезди шу топда.

Аҳмад МУҲАММАД

ИЙМОН ҲАЛОВАТИ

(Давомли асарнинг боши 4,5,6,7,8,9,10-сонларда)

Кейинги кунларда бутун фикру хаёлларим остин-устун бўлиб кетди. Саводсиз, меҳнатдан бошқасини билмайдиган соддагина «Учтака» мендай олий маълумотли, тушунган, зиёли йигитнинг дунёқарашини бирдан ўзгартириб юборишига унчалик ишонмасам-да, онгимда содир бўлаётган «бўрон» ва «зилзила»лардан ҳам кўз юма олмас эдим. «Учтака»нинг бир-биридан ваҳимали, юракка ғулғула соладиган ҳикоя-ривоятлари бувим вафот этган кунлардаги кўрқув ва васвасаларни вужудимга қайтадан олиб кирди. У яна бу гапларни шунчалик хотиржам, осойишталик билан сўзлардики, гўё уларнинг ўзига ҳеч қандай зарари йўқ, деб ўйлайсиз. Бетон лаппакларни йўлкага териш учун икки томонга қозиқ қоқиб ип тортар экан, оғзи гапдан бўшамас, ўз ақидаси ҳақлигини исботлаш учун ҳаяжон билан навбатдаги эр-тагини бошлар эди:

– Шундай кун келади-ки, Аллоҳ таоло жамики мавжудотни ўлганидан кейин қайта тирилтириб, бир майдонга тўплайди. Инсонларнинг Ер юзидида қилган ҳар бир амали, яхши-ёмон ишлари ҳисоб қилинади. Аллоҳ таоло заррача яхшилиқ қилган ҳам, заррача ёмонлик қилган қиёматда ҳисобга тортилишини айтган. Аллоҳнинг буйруқларини бажариб, гуноҳ ишлардан четланганлар олий мукофотга – жаннатдаги абадий, тўкин ва масъуд ҳаётга мушарраф бўлишади. Аллоҳнинг динини инкор этганлар, итоатсизлик қилганлар эса дўзахда абадий азоб-қийноқларга дучор бўлишади...

Устанинг гапи шу ерга келганида сўзининг мантиқсизлигидан энсам қотиб сўрадим:

– Тўхтанг, уста ака, Аллоҳ ер юзидаги миллиардлаб одамларнинг ҳар кун, ҳар дақиқада қилган ҳамма ишидан хабардор, деясиз. Аллоҳ битта бўлса, шунчалик улкан Ердаги ҳар битта одамнинг ишини энг майда-чуйдаларигача бирданига назорат қилиши мумкинми? Сал ақлга тўғри келадиганроқ қилиб гапирмайсизми? Ё мени истаганча лақиллатса бўладиган овсар деб ўйлаясизми?

– Йўқ, сиз ақлли, эсли-хушли йигитсиз! Аммо инсон ақли Аллоҳнинг жуда кўп ҳикматлари, мўъжизалари, иродаси қамровларини тўла англашга, тагига етишга қодир эмас. Аллоҳнинг шундай ғайбий сирлари, яратиш мўъжизалари борки, уларнинг моҳиятига ўзидан бошқа ҳеч ким ета олмайди.

– Сиз саволимга жавоб бермадингиз. Аллоҳ шунча одамнинг фаолиятини икир-чикиригача қандай назорат қила олади, деб сўраган эдим, – дедим «Учтака»нинг довдираб қолганидан севиниб.

– Сиз айтган нарсанинг Яратган учун ҳеч қандай мушкул, қийин жойи йўқ. Ана шу миллиардлаб одамларнинг ҳар бирини ҳатто бармоқ учларигача фарқли, бири-бирига ўхшамайдиган қилиб яратган буюк Аллоҳга уларнинг дунё ҳаётидаги ҳар бир қадамини назорат қилиш жуда осон иш. Чунки Унинг саногига етиб бўлмайдиган, ҳамиша ҳозир нозир фаришталари бор-ки, уларнинг бир нечаси битта одамнинг ҳар бир иши ва қилмишини сира қолдирмай амаллар дафтарига ёзиб боради.

– Хўп, бунга ҳам ишондим, дейин. Бу ҳисоб-китоб дафтарлари қаерда туради? Шунча маълумотни хотирасида сақлашга қодирми

ўша фаришталарингиз?– дедим «Учтака»ни яна бир карра мот қилиб қўйиш учун.

Аммо «Учтака» унча-бунчага таслим бўладиганлар хилидан эмас экан. Саволларимга лом-мим дея олмай шармандаси чиқса керак, деб ўйлаб турган эдим, у янги далил-исботларини қалаштириб ташлади:

– Мана сизлар кампутир деган нарса ишлатяпсизлар, ўша асбобларинг қанчалаб рақам-маълумотларни хотирасида сақлай олади-ку! Яқинда пропесур қўшним айтиб қолди: инсон миясининг росмана нўхатдай қисмида икки юз йигирма беш милён ҳужайра бор эмиш. Ваҳоланки, ҳозирги «ўта ақлли» кампутирнинг шунча жойида икки мингдан сал ошиқроқ «ҳужайра» (элемент) бор экан. Демак, электрон асбоб мияси инсон миясидан қанча ям минг марта жўнроқ экан. Шундай мураккаб мияли инсонни осонгина яратган Аллоҳга уларнинг барча амалларини қолдирмай ҳисоб-китоб қилиш мутлақо қийин эмаслиги энди тушунарли бўлса керак? Шундан кейин ҳам Аллоҳ ер юзидаги инсонларнинг амалларини қандай қилиб тўла назорат қила олади, деб ўйлаган киши, менимча телба ё онгсиз махлукдан ўзгаси эмас.

Мен саводсиз, жоҳил одам ҳисоблаб юрган устанинг бу илмий далиллари қаршисида туйқус илонга рўпара келиб қолган бақанинг аҳволига тушиб қолган эдим. На тилимга бир сўз келади, на миям бирор жўяли фикрни мушоҳада қилади. Қойил, «Учтака»! Мактабда нуқул «беш»га ўқиган, кейин юридическийни тугатган, ўзини ҳаммадан ақлли, доно санаб юрган мендай одамни бутунлай мағлуб

қилиб ташладингиз!

«Учтака» билан ихтилофимиз бошланганидан буён бугун биринчи марта бу кўримсиз, назаримда анча лақма бўлиб кўринган кишига гап қайтаришга, киноя аралаш илмоқли саволлар беришга журъатим етмай қолди. Унинг кўп жиҳатдан, айниқса кейинги пайтларда менга тинчлик бермай қўйган «нозик» масалалар – ҳаёт ва ўлим, яшаш моҳияти, дунё ва охират, дин ва даҳрийлик каби мавзуларда анча билимдон экани аён бўлиб қолган эди. У билан баҳслашиш, унинг фикр-мулоҳазаларини ёшларга хос қизиққонлик ва қайсарлик билан рад этиш асносида ўзимнинг мисим чиқиб, бу соҳаларда ниҳоятда билимсизлигим тобора фош бўлиб қолаётган эди.

* * *

Бугун «Учтака» билан хайрлашамиз. У тушгача майда-чуйда чала ишларини тугаллади. Кейин асбобларни йиғиштириб таҳорат олишга киришди. Кеча кечқурун дадам билан ҳисоб-китоб қилиб бўлишган эди. Устанинг ўғлига ҳам ҳақ тўлаган дадамлар унинг пулни қайтараётганини кўриб бироз гашлари келди:

– Бергандан кейин олавермайсизми, ахир ўғлингиз шунча кун ёнингизда ишлади-ку!

– Шартлашганимизда у хунара ўрганиш учун юрибди, ҳақ

олмайман, деган эдим. Берган нон-тузингизга рози бўлсангиз бас, – деди уста ҳам сал қизишиб.

– Розиман. Пулни ҳам олинг. Ахир жуда ошиб-тошиб кетмагандирсиз пулга ноз-фироқ қиладиган.

– Тўғри, бадавлат эмасман. Аллоҳ берган ризққа қаноат қилиб яшайман. Ўғлим эса ҳақ беришга муносиб иш қилгани йўқ, шунчаки қарашиб турди, холос.

Икковларининг тортишувларини кузатар эканман, «Учтака»нинг мағрурлиги, керилиши жиғимга тегаётганди. «Ўзи пулга муҳтож бўлиб, бировларнинг уйида ишлаб юрибдию виқорига ўлайми? Рози бўлиб бергандан кейин индамай пулни олиб, қандингни урмайсанми?»

Ниҳоят асабларимни қақшатган, хиралик қилиб жонимга теккан одамдан бугун қутуламан. Ҳозир ота-бола иккови намозини ўқийди ва хайрлашиб уйига кетади. Энди уни қайтиб кўраманми-йўқми, буниси қоронғу. Уни кўрмаслигим аниқроқ. Шаҳар кичкина бўлса ҳам биз бу бурчида яшаймиз, «Учтака» у бурчида туради. Йўлларимизнинг яна қачон тўқнаш келишини ҳеч ким билмайди. Нима бўлса ҳам бу сурбет ва шилқим одамдан қутуламан. Шуниси аниқки, менга уста керак бўлиб қолса, уни текинга ҳам ишлатмайман. У шунчалик жонимга тегиб кетган эди. Ўн саккиз кун на-

заримда ўн саккиз йилдан ҳам узайиб кетгандай туюлди.

Мана, у намозини тугатди. Жой-намоз устида узоқ фотиҳа қилди. Тоқатим тоқ бўлса-да кутишга мажбур эдим. У иш кийимлари солинган халтани қўлга олар экан:

– Умиджон, яхши-ёмон гаплар ўтган бўлса маъзур тутасиз, қилган хизматларингизга рози бўлинг, – деди илк бор жилмайиб.

– Сиз ҳам рози бўлинг, – дедим гап топа олмай ғўлдираб.

– Йўлингиз тушиб қолса биз фақирнинг кулбасида ҳам меҳмон бўлинг, қаерда туришимизни билиб олдингиз, – деди «Учтака» аллақандай сирли жилмайиб.

– Хўп, – дедиму аммо миямдан «кулбангни елкаминг чуқури кўрсин» деган хаёл ўтди.

Ота-бола яна бир бор хайр-хўшлашиб чиқиб кетишди. Ҳовлида ёлғиз қолдим. Нимасинидир йўқотган одамдай атрофимга аланглаб саросар турар эдим. Аммо бир нарсаси беш кетдим. «Учтака»нинг қўли гул экан, уйимиз худди янги қурилгандай кўркамлашиб, файзли, шинам бўлиб кетган эди. Дадам ҳам унинг ишидан хурсанд бўлиб, кўпроқ ҳақ бераман, деб ният қилган эдилар. Аммо уста уни олгани кўнмай дадамини ранжитиб қўйди.

(ДАВОМИ БОР)



ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ

ТО'QQIZINCHI SABOQ

NAMOZ NEGA O'QILADI

Assalomu alaykum, mening jajji kichkintoylarim! Bugun sizlarga qiziq bir savol bermoqchiman. Diqqat bilan quloq solib turing. Alloh o'zi yaratgan yer yuzidagi jamiki hayvonlar va qushlarga, hasharotlar va dengizdagi jonvorlarga, odamlar va jinlarga, xullas, barcha maxluqlarga rizq, ya'ni ovqat-yemishlar berib qo'ygan. Biror maxluqni och qo'ymagan. Ular ham Alloh taoloning ana shu bergan ne'matlariga javoban o'z mevalarini Alloh buyurganiday o'zlari yemay, insonga taqdim qilishadi. Masalan, sigir ko'kat va yemlarni yeb, evaziga sut beradi, undan qatiq, qaymoqlar, sariyog' va pishloqlar olinadi. Tovuq tuxum beradi, asalari asal, qo'y-echkilar sut, jun, go'sht, pilla qurti ipak, dengizlar baliq beradi. Hatto daraxtlar ham Alloh yog'dirgan yomg'irdan, nur sochib turgan quyoshdan oziqlanib, evaziga shirindan-shakar mevalar tortiq qiladi.

Ana shu sut-qatiqlarni ichib, go'shtlarni yeb, ipak va jundan to'qilgan kiyimlarni kiyib, tuxum va asalni mazza qilib iste'mol qilib, mevalarning eng sarxillarini tanovul qilib yuradigan insonlar buning evaziga nima berishadi? Nima qilishsa ana shu bergan ne'matlari uchun Alloh taoloni mamnun, xursand qilishadi? Axir birorta odam boshqa bировga shuncha ovqat-ne'matlarni tekinga berib qo'ymaydi. Inson ana shu qarzni qanday qilib uzishi mumkin?

Ana shu savollarni sizlarga bermoqchi edim. Javob topishga qiynalyapsizmi? Mayli, javobini o'zim aytib qo'yaqolay, Alloh taoloning barcha bergan ne'matlari uchun, bizni sog'-salomat, xotirjam, baxtli qilib qo'ygani uchun faqat bir narsa bilan – ibodat, ya'ni namoz o'qish, ro'za tutish bilan Allohga minnatdorchilik bildirish mumkin, Allohga xizmat qilish bilan Uni rozi qilish, mamnun etish mumkin. Qolaversa, Alloh taoloning siz bilan bizlarni yaratishdan, insonlarga barcha jonzotlarni, oy-quyoshlarni xizmat qildirib qo'yishdan maqsadi ham bizning ibodat qilishimizni ko'rish edi, xolos. Biz Allohga qanchalik ibodat qilishni ko'paytirsak, U ham bizdan shunchalik xursand bo'laveradi. Oxirat dunyosidagi mukofotlarimizni ko'paytirib qo'yaveradi. Ana shu ibodatlarning eng ulug'i esa – namoz o'qish!

Namoz shunaqangi zarur, muhim ibodatki, agar namoz o'qimasangiz, hech kim sizni chin musulmon demaydi. Sigir qancha serqaymoq sutlar bermasin, asalari qancha toza asallarni bermasin, ipak qurti qancha ko'p ipak bermasin, baribir, ular aqlsiz hayvon. Alloh oxiratda ularga jannat ham va'da qilmagan, tiriltirmaydi ham. Beaqil bo'lgani uchun ulardan hech narsaning hisobini so'ramaydi ham. Insonga aql berilgani uchun u endi barcha yegan-ichganlari, qilgan ishlari uchun oxiratda Allohning oldida imtihon topshiradi. Sinovdan

yaxshi o'tsa jannatga kirib rohat-farog'atda bo'ladi. O'tolmasa, do'zaxga tushib, qiynoq-azoblarga duchor bo'ladi.

Inson ham hayvonlarga o'xshab indamay Alloh bergan toza ovqatlarni to'yib yesayu, evaziga hech narsa bermay yeb-ichib, uxlab, o'ynab-kulib yuraversa, uning ham hayvondan farqi qolmaydi-da, to'g'rimi?! U oshxona bilan hojatxona orasida chopaveradigan bir mashinaga aylanib qoladi-da! Shunday bo'lib qolmaslik uchun nima qilish kerak ekan? Ha, yashang, barcha ne'matlari va bergan umri uchun Allohga minnatdorchilik bildirishi, unga shukr deyishi kerak. Qaysi yo'l bilan shukr aytiladi? Ibodat bilan, namoz o'qish bilan!

Namoz juda ulug' ibodat, dedik. Janobi Payg'ambarimiz «Namoz – dinning ustuni, uni o'qimagan o'sha ustunni yiqitgan bo'ladi», deganlar. Namoz o'qimasak, dinimizning binosini buzgan bo'lamiz. O'sha tilsiz, yeb-uxlashdan boshqaga yaramaydigan hayvonlarga o'xshab qolamiz. Shuning uchun Islom dinimizda qiz bolalar 9 yoshdan, o'g'il bolalar 12 yoshdan namoz o'qishga buyuriladi. Bundan oldinroqdan ham aka-opalaringizdan namozni qanday o'qish kerakligini o'rganib tursangiz yomon bo'lmaydi. Kelgusi mashg'ulotimizda sizlarga namoz o'qishni o'rgatib qo'yaman, bo'ptimi, shirintoylarim?!

МУСУЛМОНЛАР БИРИНЧИ БЎЛИШГАН

- * Косинуслар теоремасини биринчи бўлиб ўзбек мусулмон олими Абу Райхон Беруний (973–1048) кашф қилган, Оврупада эса франсуз олими Веит (1540–1603) "яна" ўйлаб топди.
- * Ибн Фирнос (вафоти 808 йил) биринчи бўлиб ака-ука Райтлардан 1023 йил олдин учоқ (самолёт) ясаб, парвозни амалга оширган.
- * Аҳолини рўйхатга олиш Исломда биринчи бўлиб Мадинада ўтказилган. Мушрикларнинг мусулмонларни қиличдан ўтказиш режасидан хабар топган Мухаммад алайҳиссалом барча мусулмонларга ўз номларини бир дафтарга ёздиришни буюрди. Ушанда Мадинадаги эр мусулмонлар сони 1500 нафар экани маълум бўлди.
- * Дунё ва Ислом меъморчилигидаги илк минорани ҳижрий 85 (милодий 708) йили Шомдаги умавийлар масжиди ёнида халифа Волид фармонига биноан тикланган.
- * Палеонтология ва седиментология соҳасида илк марта тажриба ўтказиб, китоб ҳам ёзган Абу Али ибн Сино бўлса-да, бу борадаги илмий хизматлари учун Албертга "Буюк Алберт" унвони берилди.
- * Мусо Мухаммад Хоразмий биринчи бўлиб алгебра фанига асос солган, «алгебра» истилоҳи унинг «Алжабр ал-муқобала» рисоласидан олинган, олимнинг номи эса «алгоритм» шаклида фанга кирган, унинг арифметикага оид рисоласи Х11 асрдаёқ Испанияда таржима қилиниб, шу асосда дарслик ёзилган.
- * Аҳмад Фарғоний астрономия отаси саналади, унинг «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум» китоби Х11 асрда Оврупа тилларига таржима қилиниб, «Алфраганус» деган латинча ном билан бир неча аср мобайнида Фарб университетларида астрономиядан асосий дарслик сифатида ўқитилган.
- * Жазарий (1136–1206) биринчи бўлиб цилиндр, жўмакни ясаган, компюторга оид назарий фикрлар айтиб, кибернетикага асос солган, шунингдек, у вулқоншунослик, геотермал майдонлар соҳасидаги фанлар асосчисидир.
- * Жаҳондаги биринчи расадхона ва фалакшунослик марказини Хожа Носириддин Тусий (1201–1274) қурдирган.
- * Дунёда биринчи ҳисоблаш маркази Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек раҳбарлигида қурилган.
- * Ўн бешинчи асрда Мирзо Улуғбекнинг машҳур расадхонасида ишлаган ўзбек математиги Фиёсиддин Жамшид ал-Коший биринчи бўлиб ўнли қасрларни кашф этган. Оврупада эса ундан 175 йил кейин Симон Стевин бундай сонларни топди.
- * Яна бир атоқли қомусий олимимиз Абу Райхон Беруний Христофор Колумбдан анча олдин уммон ортида номаълум қитъа борлигини айтган, Галилейдан 600 йил аввал Ернинг айланишини исботлаб ва изоҳлаб берган, биринчи глобус ясаган, Ер билан Ой ўртасидаги масофани ўлчаган, конуслар теоремасини франсуз олими Вентдан 500 йил олдин кашф этган.
- * Улуғ мусулмон олими Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (801–873) Эйнштейндан бир неча аср илгари борлиқ ва ундаги ҳодисалар нисбийлиги ғоясини кашф этган. У оптика соҳасида жаҳонда биринчи бўлиб асар ёзган, унинг ўн битта асари замонавий арифметикага, еттита асари геометрияга асос бўлган. У психо-физиологиянинг ҳам асосчисидир.
- * 960–1039 йиллари яшаган Қутбиддин ибн Ҳайсамнинг оптикага бағишланган «Китаб ул-манозир» (Тасвирлар китоби) 1270 йилдаёқ латинчага ўгирилиб, бир неча Оврупа мамлакатларида чоп этилган ҳамда Коперник ва Нютоннинг оптикага оид асарларига асос бўлган. Олимнинг латинча Albazen номи физикадаги илмий истилоҳга айланган. Ламберт трапетсиясини ундан анча олдин Ибн Ҳайсам топган.
- * Жобир ибн Ҳаййон оврупалик олимлар Жон Далтон, Отто Ханн, Эндрю Ферми, Алберт Эйнштейндан минг йил олдин атом устида тадқиқот ўтказган, илк марта «термоядровий куч» фикрини айтган, атом парчаланиши ва бомба шиддатини тасвирлаган.
- * Собит ибн Қурра (835–902) биринчи марта анестезини топган. Али ибн Исо эса ўн биринчи асрда уни илк бор кўз жарроҳлигида қўллаган. Бироқ бу кашфиёт 1850 йилга келиб Жанкайники бўлиб кетди. «Дифференциал ҳисоб»ни ҳам Нютондан анча олдин, тўққизинчи асрда Собит ибн Қурра кашф қилган.
- * Само жисмларининг эллипс орбита бўйлаб ҳаракат қилиши ҳақидаги фикрни Кеплер Берунийдан ўзлаштириб олган бўлса, Коперник Қуёш назариясини Ибн Шотирдан (1304–1376) айнан кўчириб олган.